



# Гүёки ўзга сайёрада яшаётгандек:

**Ўзбекистонда гейлар, бисексуал эркаклар  
ва трансгендерлар зўравонлик, қамоқ ва  
камситишлардан ҳимояланмаган**



*“Евросиёning энг марказида бўла туриб, биз ҳали ҳам гүёки ўзга  
сайёрада яшаётгандек, қаердаки одамларни фақат кимлиги  
учунгина ёмон кўриш, хўрлаш, қамоққа ташлаш, жазолаш,  
камситиши ўлдириш меъёрдир.”*

Ўзбекистонлик ёш гомосексуал йигит

Этот документ подготовлен при финансовой поддержке Европейского Союза. Его содержание является исключительной ответственностью выпустивших его НПО и никоим образом не может рассматриваться как отражающее точку зрения Европейского Союза.



# **Мундарижа**

## **Асосий қоидалар**

**3**

КОНТРЕБЮТОРЛАР, МЕТОДОЛОГИЯ ВА МАНБАЛАР

**5**

## **Ўзбекистонда гей, бисексуал эркаклар ва трансгендерларнинг инсон ҳуқуқлари бузилиши**

**7**

ИЖТИМОИЙ КОНТЕКСТ: ГОМО- ВА ТРАНСФОБИЯ

**7**

ЭРКАЛЛАР ЎРТАСИДАГИ ЎЗАРО КЕЛИШУВ АСОСИДА ЖИНСИЙ АЛОҚАЛАР: ЖИНОИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК

**9**

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН ЎЗБОШИМЧАЛИК БИЛАН ҲИБСГА ОЛИШЛАР, ҚИЙНОҚЛАР ВА ШАФҚАТСИЗ МУНОСАБАТДА Бўлиш, ТОВЛАМАЧИЛИК ВА ОММАВИЙ «ФОШ ҚИЛИШЛАР»

**11**

ОИВ МАРКАЗЛАРИ БЕПУЛ АНТИРЕТРОВИРУС (AVR) ДАВОЛАШНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ, ЛЕКИН МАХФИЙЛИК САҚЛАНМАЙДИ

**17**

НОДАВЛАТ СУБЪЕКТЛАРИ ТОМОНИДАН ТАҲДИД ВА ҲАҚОРАТЛАР

**20**

СЎЗ ЭРКИНЛИГИНИ ЧЕКЛАШ

**22**

## **Ҳукуматнинг инсон ҳуқуқлари бузилишларига қарши курашни истамаслиги 23**

ҲУКУМАТ СИЁСАТИ

**23**

ҲУКУМАТ АМАЛДОРЛАРИ ВА СИЁСАТЧИЛАРНИНГ ГОМОФОБИК БАЁНОТЛАРИ

**25**

## **Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятлари**

**26**

КАМСИТИЛМАСЛИК ҲУҚУҚИ

**27**

ЎЗБОШИМЧАЛИК БИЛАН ҲИБСГА ОЛИНМАСЛИК ВА ҚАМОҚҚА ОЛИНМАСЛИК ҲУҚУҚИ

**28**

ҚИЙНОҚ ВА ШАФҚАТСИЗ МУОМАЛАГА ДУЧОР БЎЛМАСЛИК ҲУҚУҚИ

**28**

САЛОМАТЛИК ҲУҚУҚИ

**30**

ШАХСИЙ ҲАЁТ ДАҲЛСИЗЛИГИ ҲУҚУҚИ

**31**

## **Ўзбекистон ҳукуматига тавсиялар**

**31**

# Асосий қоидалар

**“Евросиёning энг марказида бўла туриб, биз ҳали ҳам гўёки ўзга сайдера яшаётгандек, қаердаки одамларни фақат кимлиги учунгина ёмон кўриш, хўрлаш, қамоқقا ташлаш, жазолаш, камситиш ва ўлдириш меъёрдир.”**

Ўзбекистонлик ёш гомосексуал йигит (хавфсизлик нуқтаи назаридан исми ошкор этилмаган)

**“Бир жинсдаги катталар ўртасидаги ўзаро розилик асосидаги жинсий алоқани ёки ўзининг гендер идентификациясини ифодалашни жиноят деб ҳисоблаш инсон ҳуқуқларини очиқдан-очиқ бузиш ҳисобланади.”** Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар қўмитасининг (CESCR) 22-сонли Умумий изохи (23-банд), 2016 йил май.

Ўзбекистонда эркаклар ўртасидаги ўзаро розилик асосидаги жинсий алоқаларни жиноят деб ҳисоблаш, кенг тарқалган ижтимоий ва диний гомо- ва трансфобия, замонавий Россиянинг сиёсий таъсири ва Farbga қарши кайфият - жинсий озчилик вакиллари учун заҳарли аралашмадир.

Гей, бисексуал ва трансгендер эркаклар - ҳам ички ишлар органлари, ҳам зўравон гомофоблар томонидан шафқатсиз муомаладан ва товламачиликдан ҳимояланмаган бўлиб, ўзбошимчалик билан ҳибсга олиш, қамоқقا олиш ва қаттиқ дискриминацияга дуч келишади. Кўпинча улар Ўзбекистон Жиноят кодексининг 120-моддасига кўра, эркаклар ўртасидаги ўзаро розилик асосида бир жинсли алоқалар учун уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш айбловларидан ва жазоланишдан қўрқиб, шикоят қилмайдилар.

Ўзбекистонда кўпчилик гомосексуалликни юқумли касаллик деб билади ва агар у таъкиқланмаса ва жазоланмаса, жамиятни емиради ва нобуд қиласди деб ишонишади. Агар оилалар қариндошини жинсий озчиликларга мансублигини билиб қолса ёки шубҳа қилса, кўпинча уни шифокорлар, психиатрлар, психотерапевтлар, муллалар ёки бошқа диний арбобларга «даволаш» учун мурожаат қилишга мажбур қиласдилар. Бундан ташқари, оилалар ўртасида гей ўғлини оилавий уйдан сургун қилиш ҳолатлари кўп, айниқса унинг жинсий ориентацияси оиласдан ташқарида маълум бўлганда.

Ўзбекистонда гомосексуал ва бисексуал эркаклар ҳамда трансгендерларни таъкиб қилишда ички ишлар ходимлари асосий рол ўйнайди. Умуман жамиятда бўлгани каби, ички ишлар органларида ҳам гомо- ва трансфобия кенг тарқалган ва баъзи ички ишлар ходимлари жинсий озчиликга мансуб шахсларни фаол равишда излашади ва тажовузкорлик билан уларни таъкиб қилишадики, гўёки «гуноҳ» га қарши миссияни амалга оширишаётгандек. Бошқалар эса, гомосексуалликни жиноийлаштириш ва унга боғланган жамоатчилик стигмасидан ўзларининг молиявий манфаатлари учун фойдаланадилар. Улар гей ёки бисексуал одамларни - оила аъзолари,

**“120-модда ноанъанавий жинсий ориентация ёки гендер идентификацияли шахсларга нисбатан, жазо олмаган ҳолда, шафқатсиз муносабатда бўлиш ва камситиш ҳуқуқини беради. Шунингдек, у коррупцияни рафбатлантириш учун идеал платформа яратади. 120-модда мавжуд экан, қўрқитиши ҳеч қачон тугамайди ва гомофоблар бизнинг устимииздан хукумрон бўлиб қолаверишади.”**

Ўзбекистонлик ёш гомосексуал йигит (хавфсизлик нуқтаи назаридан исми ошкор этилмаган

қўшнилари, ҳамкасларига ёки ижтимоий тармоқларда «фош қилиш» ва агар жабрланувчи пора бермаса, 120-модда бўйича жиноий иш қўзғатиш билан таҳдид қилишади.

Шунингдек, ички ишлар органлари нафақат гей ва бисексуалларни, балки ўзбек жамиятида ута шармандали деб топилган айблов - «гей» деб аталишдан қўрқган гетеросексуал ва диндор мусулмонларни ҳам қамоқ жазоси билан таҳдид қилиш орқали қўрқитган ҳолатлар ҳам бўлган.

Қийноқ ва шафқатсиз муносабат кўпинча гей ва бисексуалларни жазолаш ва хўрлаш, ҳамда жабрланувчини ўз озодлигини сотиб олиши учун катта миқдорда пора беришга «кўндириш» учун қўлланилади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, анал текширувлар кўпинча гомосексуал алоқанинг «далилларини» аниқлаш учун ўтказилади, гарчи улар шафқатсиз муносабатда бўлишга тенглаштирилиб, «фойдасиз» ва «илмий асоссиз» деб топилган бўлса ҳам.

Жиззах вилояти ИчкИ Ишлар Бошқармаси бошлиғи 2022-йил 18-февралдаги хатида мазкур ҳолат юзасидан туман ва шаҳар ички ишлар бўлимларига Жиноят кодексининг бир қанча моддалари, жумладан, 120-моддаси («бесоқолбозлик»; ушбу модда эркакнинг эркак билан зўрлик ишлатмасдан жинсий эҳтиёжини қондиришини жазолайди), 113-модда («Таносил ёки ОИВ касаллиги/ОИТСни тарқатиш») ва 130-модда («Зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш») бўйича дастлабки тергов қўзғатилганилиги ҳақида хабар берган. Хатда маҳаллий бўлимларга Жиззах вилоятидаги гейлар ва бисексуаллар учрашадиган жой вазифасини ўтайдиган телеграм каналлари орқали, жумладан, GPS -мониторинг ёрдамида гумондорларни аниқлаш топширилган. Ушбу ҳисбот муаллифлари мамлакатнинг бошқа ҳудудларида ушбу ва эҳтимол шунга ўхшаш йўл-йўриқ остида - ўзаро розилик асосида эркаклар билан жинсий алоқада бўлган эркаклар энди ўзбошимчалик билан ҳибсга олиш, қамоқقا олиш, қийноқлар, шафқатсиз муомала ва товламачиликка қарши янада ҳимоясиз эканлигидан хавотирда.

Қўшимча ташвишга солувчи жиҳат шундаки, ички ишлар ходимлари ОИВни даволаш марказларида рўйхатдан ўтган гейлар ва бисексуалларнинг шахсий маълумотларига киришлари мумкин. Махфийлик ҳуқуқининг бузилиши гей ва бисексуал эркакларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан инсон ҳуқуқлари бузилиши хавфига дучор қиласди ва гей ва бисексуал эркакларнинг тиббий ёрдам олиш ҳуқуқига жиддий тўсиқ бўлади.

Агрессив гомофоблар кўпинча гейларни, бисексуал эркакларни, трансгендерларни ва ижтимоий тармоқларда жинсий озчиликларга нисбатан бағрикенгликни тарғиб қилувчиларни қидиради, уларни зўравонлик билан таҳдид қиласди ва уларни «жазолаш» ва ўлдириш чақириқлари билан мессенжерларда уларнинг исмлари, алоқа маълумотлари ва фотосуратларини тарқатади. Бир қатор тажовузкор гомофоб ички ишлар ходимлари билан яқин алоқада бўлиб, зарар етказиш учун гейлар, бисексуал эркаклар ва трансгендерлар ҳақида маълумот алмашадилар.

Ўзбекистон расмийлари, шунингдек, лесбиян, гей, бисексуал ва трансгендер одамларни қўллаб-қувватлаш ва уларга таъсир этаётган инсон ҳуқуқлари бузилиши ҳақида маълумот тарқатишда сўз эркинлиги ҳуқуқини қаттиқ чеклайди. Масалан, блоггер Миразиз Базаров сўз эркинлиги ҳуқуқидан тинч йўл билан фойдалангани, жумладан, жинсий озчиликлар тақдирига бирдамлик билдиргани учун 2022-йил январида уч йилга озодликни чеклаш жазосига ҳукм қилинган эди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Миллий маркази (ИҲММ) ва Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича комиссари (парламент Қонунчилик палатаси) томонидан 2022 йил январ ва

феврал ойларида IPHRга тақдим этилган маълумотларга кўра, ушбу модда бўйича 2021 йилда 36 нафар шахс судланганини, улардан 25 нафари қамоқ жазосига ҳукм қилинганини кўрсатади. Бу Ички ишлар вазирлиги томонидан 2016-2020 йилларда эълон қилинган рақамларга нисбатан кўпайганлигини кўрсатади. Ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари одамларни қўрқитиш ва улардан пул ундириш мақсадида 120-модда бўйича иш қўзғатиш билан таҳдид қилиш ҳолатлари янада ҳам кўпайганлиги тахмин қилинмоқда.

Ўзбекистон ҳукумати, Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳукуклари бўйича миллий маркази ва Олий Мажлиснинг Инсон ҳукуклари бўйича Вакили (Парламент Қонунчилик палатаси) бир жинсдаги муносабатларни дин, маданият, урф-одатлар ва жамоатчилик фикрига ишора қилиб, жиноий жавобгарликка тортишни оқлади ва уни декриминализация қилиш жамият учун ва мамлакатнинг мусулмон дунёсидаги обрўсига салбий оқибатларга олиб келишини таъкидлади. Улар одамларни жинсий ориентацияси туфайли озодликдан маҳрум қилиш инсон ҳукукларининг бузилиши эканлигини ва бу мамлакатнинг ҳалқаро инсон ҳукуклари қонунчилигидаги мажбуриятларига аниқ зид эканлигини тан олмадилар ва бу фактни кўриб чиқмадилар. Улар жинсий озвилик вакилларининг қийноқлар, шафқатсиз муомалалар ва товламачилик ҳақида шикоят қилишдан қўрқишлиари асосли эканлиги масаласини кўриб чиқмадилар, чунки уларнинг шахсий дахлсизлиги ҳукуқини ҳурмат қиладиган ва жабрланувчига 120-модда бўйича айблов қўйилмаслигини кафолатлайдиган хавфсиз шикоят бериш механизми мавжуд эмас. Шунингдек, улар ОИВ марказларининг гей ва бисексуал мижозлари ҳақидаги шахсий маълумотларни ҳукуқни муҳофаза қилиш органлари билан баҳам қўриши муаммосини ҳал қила олмадилар, бу эса даволанишга муҳтож бўлган ушбу гурухлар учун асосий тўсиқдир. Расмийлар, шунингдек, жинсий озвиликлар инсон ҳукуклари ҳақида хабардорликни ошира олмадилар ва бир қанча ҳукумат амалдорлари ва сиёsatчилар очиқасига гомо- ва трансфоб фикрларни билдиришса, тегишли жавоб қайтара олмадилар.

Ҳалқаро инсон ҳукуклари қонунчилиги катталар ўртасидаги ўзаро келишув асосидаги бир жинсли муносабатларни жиноят деб ҳисоблашни аниқ тақиқлайди ва сўнгги йилларда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) Шартнома органлари Ўзбекистонни Жиноят кодексининг 120-моддасини бекор қилишга; дискриминацияга қарши кенг қамровли қонун ҳужжатларини қабул қилиш, қийноқлар ва шафқатсиз муносабатнинг бошқа шакллари ҳақидаги даъвolarни самарали текшириш, айборларни жавобгарликка тортиш ва инсоннинг жинсий ориентацияси ёки гендер идентификациясига асосланган ижтимоий стигма, таъқиб, нафрат сўzlари, камситиш ёки зўравонликка қарши курашга чақирди.

Ўзбекистонда ҳозирги пайтда янги Жиноят кодекси ишлаб чиқилмоқда. 2021-йилнинг февралида эълон қилинган лойиҳада эркаклар ўртасида ўзаро розилик асосида жинсий алоқа қилиш жиноий жавобгарликка тортилиши сақланиб қолган, бироқ янги Кодекс қабул қилинмагунча, Ўзбекистон ҳукуматида қонунбузарликни лойиҳа матнидан олиб ташлаш ва Ўзбекистонни инсон ҳукуклари бўйича ҳалқаро мажбуриятларини бажаришга яқинлаштириш имконияти ҳали ҳам мавжуд.

## Контребюторлар, методология ва манбалар

Ушбу ҳисобот Марказий Осиёда Инсон ҳукуклари ассоциацияси (AHRCA), Саломатлик, ҳукуклар, гендер ва жинсий хилма-хиллик бўйича Евроосиё коалицияси (ЕКОМ) ва Инсон ҳукуклари бўйича ҳалқаро ҳамкорлик (IPHR) билан ҳамкорликда тайёрланган. ЕКОМ 2017-йилдан буён Ўзбекистонда гей ва трансгендерларга нисбатан 100 дан ортиқ инсон ҳукуклари бузилиши ҳолатларини ҳужжатлаштирган. IPHR ўндан ортиқ гей ва бисексуал эркаклар, шунингдек, икки

трансгендер ва уларнинг Ўзбекистонда ва 2019-йилдан бери сургунда бўлган дўстлари ёки оила аъзоларидан интервю олди ва улар ҳақида ахборотга эга бўлди. AHRCA, шунингдек, бир неча йил давомида гей ҳуқуқларини кузатиб боради ва индивидуал ишларни ҳужжатлаштиради. Ушбу ҳисоботни эълон қилган ташкилотлар, шунингдек, 120-моддага мувофиқ эркаклар ўртасидаги ўзаро розилик асосида бир жинсли муносабатлар бўйича иш юритиш бўйича суд ҳужжатлари, шунингдек, интернет мессенжерлари ва ижтимоий тармоқ гуруҳлари орқали тарқатилган гомофоб қўрқитиш ва ҳақорат видеолари каби далилларни кўриб чиқдилар.<sup>1</sup>

2021-йил декабр ойи охирида IPHR Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирига, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази раҳбарига ва Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (Омбудсман)га саволлар рўйхатини юборди ва уларни ушбу ҳисоботга киритиш учун маълумот ва шарҳларни тақдим этишга таклиф қилди. IPHR 2022-йил январ ва феврал ойларида Омбудсман идорасидан ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказдан жавоблар олди. Ушбу ҳисоботни тайёрлаган ташкилотлар юқорида номлари қайд этилган институтларнинг ушбу ҳисоботда кўтарилигдан масалалар бўйича ахборот ва ўз фикрларини алмашишга тайёрлигини юқори баҳолайдилар; уларнинг жавобларидан ҳаволалар ва иқтибослар тегишли бобларга киритилган.

Жабрланувчиларнинг алоҳида ҳолатларини тавсифлашда ушбу ҳисобот муаллифлари одамларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида тахаллуслардан фойдаланган ва иш тафсилотларини ўзgartирган. Истисно фақат эълон қилинган ҳолатлардир.

Бизнинг мониторингимиз гей, бисексуал ва трансгендер эркакларнинг аҳволига қаратилган, чунки улар Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларининг жиддий бузилишидан ҳимояланмагандирлар. Аёллар ўртасида ўзаро келишув асосида бир жинсли муносабатлар Ўзбекистон Жиноят кодексига кўра жазоланмайди, гарчи улар ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан товламачилик, шунингдек, камситиш, қийноққа солиш ва шафқатсиз муомала каби инсон ҳуқуқларининг бузилишига дучор бўлиши мумкин.

Гарчи лезбиянлар, бисексуал аёллар ва бошқа жинсий озчиликлар жинсий ориентацияси учун қамалиш хавфи остида бўлмасалар ҳам, улар Ўзбекистонда кенг тарқалган гомо- ва трансфобия туфайли инсон ҳуқуқларининг бузилиши хавфи билан юзланмоқдалар.

1 Қўшимча мисоллар ва қўшимча маълумот олиш учун қаранг:

*Ўзбекистонда ЛГБТ ҳуқуқлари ва ОИВга оид қонунчилик таҳлили*, ЕКОМ, 2019.

*Марказий Осиё минтақасида ЛГБТИ+: репрессия, дискриминация, изоляция*, «Мемориал» дискриминацияга қарши маркази, *Kyrgyz Indigo*, Human & Art, *Kok.Team*, IG OAT Kurtuluş IG Safe Space ҳамкорлигида, *Собиқ совет худудида Транс\*коалиция*, 2020 йил май.

Ўзбекистон: *Гейлар зўравонликка, қамоққа дучор бўлишмоқда*, Human Rights Watch, 2021 йил 23 март.

*2020 йил учун ЕЕСА минтақасида гейлар ва бошқа МСМ ва транс\* одамларнинг соғлиғига бўлган ҳуқуқларининг бузилиши бўйича минтақавий ҳисобот*, ЕКОМ, 2021 йил май.

# Ўзбекистонда гей, бисексуал эркаклар ва трансгендерларнинг инсон ҳуқуқлари бузилиши

Гей, бисексуал эркаклар ва трансгендер одамлар ички ишлар органлари ва зўравон гомофоблар томонидан зўравонлик ва товламачиликдан ҳимояланмаган ва ўзбошимчалик билан ҳисбга олиш, қамоқча олиш ва қаттиқ камситиш хавфи остидадир.

Ушбу боб жинсий озчиликларнинг инсон ҳуқуқлари бузилиши қурбони бўлиш ва зарарни қоплашни талаб қила олмаслик хавфини оширадиган ижтимоий контекстни тасвирлаш билан бошланади. Унда Жиноят кодексининг эркаклар ўртасидаги ўзаро розилик асосида бир жинсли муносабатларни жазолайдиган 120-моддасининг қўлланилиши ва оқибатлари баён қилинади ҳамда Ўзбекистондагей, бисексуалватрансгендеродамлардучкеладиган асосий инсон ҳуқуқлари бузилишининг умумий кўриниши келтирилади. Унда ҳамда ички ишлар органлари, шунингдек, гомо- ва трансфоб нодавлат субъектлар томонидан таҳдидларга қаратилган ва охирида, жинсий озчиликларни қўллаб-қувватлаш ёки Ўзбекистонда гомосексуалликни декриминаллаштиришга чақириш хақида гап кетганда, сўз эркинлиги ҳуқуқининг чекланишига эътибор қаратилади.

## Ижтимоий контекст: гомо- ва трансфобия

Ўзбекистонда гомо- ва трансфобик қарашлар кенг тарқалган бўлиб, кўпчилик гомосексуалликни тақиқланмаса ва жазоланмаса тарқалиб кетадиган ва жамият тузилишини бузадиган юқумли касаллик деб билади. Оилалар қариндошини жинсий озчиликка мансублигини билиб қолишса ёки шубҳа қилса, уни кўпинча жамият талабларига жавоб беришига мажбурлайди ва шифокорлар, психиатрлар, психотерапевтлар, муллалар ёки бошқа дин арбобларига «даволаш» учун мурожаат қилишади.

Кўп ҳолларда гей ёки бисексуал эркаклар, шунингдек, трансгендерлар ўз оиласи обрўсига «путур етказиш» дан, яқинлари билан алоқани йўқотишдан ва жамиятдан четлатилинишидан қўрқиб, ўзларининг жинсий ориентацияси ва гендер идентификациясини яширишга ҳаракат қилишади. Кўпчилик гетеросексуал муносабатларда икки томонлама ҳаёт кечиради. Рустам исмли гей йигит<sup>2</sup> IPHRга шундай деди: «Барча кечинмалар, ҳис-туйғулар ва оғриқлар ичимда қолади. Мен ҳатто оиласи ва дўйстларимга ҳам ҳеч нарса дея олмайман. Уларнинг гомосексуалларга нисбатан нафратлари жуда катта.» — дея қўшимча қилди у.

«Ўзбекистоннинг патриархал жамияти бир жинсли муносабатларга кирган эркакларга шундай жирканч муносабатда бўладики, гей деб эълон қилинган одам ҳимояланишининг тўлиқ этишмаслигини бошдан кечиради, бу эса унинг яшаш иродасини сусайтиради. Биринчидан, гейлар ўзларини изоляция қилишади, кейин кўпинча эмиграция қилишга ёки ўз жонига қасд қилишга ҳаракат қилишади. Баъзиларнинг ўзлари эътиборни ўзларининг гомосексуалигидан чалғитиши учун очиқ ва тажовузкор гомофоб бўлиб қолишади», - деб тушунтириди сургунда яшовчи AHRCА аъзоси.

<sup>2</sup> Бу ва ушбу ҳисботда тилга олинган бошқа гей, бисексуал ва трансгендерларнинг исмлари ўрнига уларнинг хавфизлигини таъминлаш мақсадида тахаллуслардан фойдаланилган.

Ушбу ҳисоботни эълон қилувчи ташкилотлар жинсий ориентациясини тан олмагани ва/ёки қўшнилари буни билиб қолишидан уялганлиги сабабли оиласлари уларни уйларидан ҳайдаб юборган ёш гейларнинг кўп ҳолатларидан хабардор. Кўп ҳолларда ота-оналар ўғлини «ўзгартиришга» мажбурлаш, мамлакатдан чиқиб, мустақил ҳаёт кечиришига йўл қўймаслик учун паспортини олиб қўйишган.

AHRCА аъзоси шундай тушунтиради: «Унинг қариндошлари гейнинг хорижда эркин ҳаёт кечириши мумкинлигини билишади ва кўпчилик Ўзбекистондаги танишлари бундан хабар топишидан қўрқишиади. Жамоатчилик фикри қонундан муҳимроқ бўлган жамиятда кўпчилик, айниқса чекка ҳудудларда яшовчилар, кенг жамоатчилик бу оиласа гей борлигини билиб қолишидан ваҳимага тушушади. Оиласа гомосексуалнинг мавжудлиги бошқа оила аъзолари учун оила қуриш, ижтимоий муносабатларни сақлаб қолиш имкониятини мураккаблаштиради, чунки қариндошлар ҳам камситувчи муносабат остида қолишиади.»

2019-йил август ойида **Азиз**<sup>3</sup> рақс тўгарагидан қайтди ва ғазабланган отаси унга рақсни давом эттиришни тақиқлади, у «акс ҳолда гей бўлиб қоласан» деди. Орадан бир йил ўтиб, Азизнинг отаси унинг мобил телефонида гейлар билан гаплашаётганини билиб, уни тез-тез ҳақоратлаб, калтаклай бошлаган. Ниҳоят, Азизни ўлдириш билан қўрқитиб, уйни тарк этишни буюрди. Азиз қиши ойларида уйдан паспорт, телефон, бир оз кийим-кечак ва пулдан ташқари ҳеч нарсасиз чиқиб кетди.

2020 йилда **Тимур** синглисига ўз ориентациясини ошкор қилганидан кейин у ўз жонига қасд қилишга мажбур бўлди, чунки синглиси бу ҳақда дарҳол оиласининг қолган аъзоларини хабардор қилди. Шундан сўнг Темурнинг оиласи уни зўравонлик билан қўрқитиб, хонага қамаб қўйиб, телефони, пули ва паспортини тортиб олишиди. Кейинроқ Темурнинг ота-онаси уни «сексопатолог» деб аталмиш шифокорга олиб боришиди, қайсики ўз навбатида Тимур билан ораларидаги муҳокамалари бутунлай маҳфий бўлишини ва гомосексуаллик тузалиб бўлмайдиган касаллик эканлигини айтди. Бироқ бу суҳбатдан кейин шифокор Темурнинг ота-онасини Европа давлатларидан бирига ўғлининг «касаллигидан» «даволай оладиган» мутахассисга юборади. COVID -19 чекловлари туфайли уни Европага ушбу «даво» учун юбора олмаган Темурнинг оиласи унинг ўрнига Тимурни ҳар куни оғзаки ва руҳий зўравонликка дучор қилишиди, шу билан бирга унга рус тилида сўзлашибни тақиқлашди, чунки улар рус тилидаги маълумотларга эга бўлиш унинг гомосексуал бўлишига ўз ҳиссасини қўшган деб ўйлашди. Бу доимий тазийиқ ва ҳақорат охир-оқибат Темурни томирларини кесиб, ўз жонига қасд қилишга уринишга мажбур қилди. Мақолани ёзаётгандан, Темурнинг ота-онаси ҳали ҳам, иложи борича, уни Европага юбориш ниятида эди.

2020-йилда қўшниси **Сардорнинг** отасидан “Ўғлингиз нега қўчадаги эркакларга қизлардек қарайди?”, деб сўрагач, отаси ва икки окаси Сардорни уриб, энди оила аъзоси эмаслигини айтишган. Зўрға юра оладиган даражада қилиб, қаттиқ калтакланган Сардор ўзини шу қадар хўрланган хис қилди, эртаси куни оиласини тарк этди.

3 Бу ва ушбу ҳисоботда тилга олинган бошқа гей, бисексуал ва трансгендерларнинг исмлари ўрнига уларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида таҳаллуслардан фойдаланилган.

Ушбу ҳисобот муаллифлари – ўз гомофобик муносабатларини енгиб, ўғли, укаси, амакиси ёки эрининг жинсий ориентациясини қабул қила олган ҳолатлардан ҳам хабардор.<sup>4</sup>

## Эркаклар ўртасидаги ўзаро келишув асосида жинсий алоқалар: жиноий ҳуқуқбузарлик

**“120-модда ноанъанавий жинсий ориентация ёки гендер идентификацияли шахсларга нисбатан, жазо олмаган ҳолда, шафқатсиз муносабатда бўлиши ва камситиш ҳуқуқини беради. Шунингдек, у коррупцияни рағбатлантириши учун идеал платформа яратади. 120-модда мавжуд экан, кўрқитиши ҳеч қачон тугамайди ва гомофоблар бизнингустимииздан хукумрон бўлиб қолаверишади.”**

Ўзбекистонлик ёш гомосексуал йигит (хавфсизлик нуқтаи назаридан исми ошкор этилмаган)

**“Бир жинсдаги вояга етганлар ўртасидаги ўзаро розилик асосида жинсий алоқани ёки ўзининг гендер идентификациясини ифодалашни жиноят деб ҳисоблаш инсон ҳуқуқларини очиқдан-очиқ бузиш ҳисобланади.”** Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар қўмитасининг (CESCR) 22-сонли умумий изоҳи (23-банд), 2016 йил май.

Ўзбекистон Жиноят кодексининг “Бесоқолбозлик” деб номланган **120-моддасида** вояга етган эркаклар ўртасида ўзаро розилик асосида жинсий алоқада бўлганликучун уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган. Туркманистандан ташқари, Ўзбекистон эркаклар ўртасидаги ўзаро келишув асосидаги бир жинсли муносабатлар жазоланиши мумкин бўлган **собиқ Совет Иттифоқининг ягона республикаси бўлиб қолмоқда** — бу 1920-1930-йилларда киритилган **совет қонунчилигидан** қолган.<sup>5</sup> Аксарият мусулмонлар яшайдиган бошқа кўплаб давлатлар-

Ўзбекистоннинг қўшнилари Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон, шунингдек, Озарбайжон ва Туркияда гомосексуаллик декриминаллаштирилган.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакил (Омбудсман) идораси IPHRга 2022 йил январдаги хатида бесоқолбозлик собиқ совет маконидаги мамлакатларнинг жиноий қонунчилигига ҳам жиноий жазога тортилиши мумкин бўлган ижтимоий хавфли қилмиш сифатида қаралишини ёлғон таъкидлаган. Шу билан бирга, Офис мурожаат қилган моддалар катталар ўртасидаги келишув асосида бир жинсли муносабатларга эмас, балки жинсий алоқага мажбурлаш<sup>6</sup> ёки 16 ёшгача бўлган бола билан жинсий алоқа қилиш жиноятига тегишилидир.<sup>7</sup>

4 Ўзбекистонлик ёш гей йигитнинг онасининг ушбу видеосини томоша қилинг, у бошқа ота-оналарни қизи ёки ўғлини жинсий ориентацияси ва гендер идентификацияси қандайлигидан қатъий назар қабул қилишга ундиайди ва унинг зарба ва қўркувдан севги ва қабул қилишга қадар бўлган йўлини тасвиirlайди: <https://www.youtube.com/watch?v=3NYqc7mOgyl>

5 Совет давридан олдинги Марказий Осиёning гомоеротик анъаналари, масалан, ўша пайтда жамият томонидан қабул қилинган бача («рақсга тушаётган болалар») бугунги кунда оммавий дискусуда деярли йўқ. **Қўшимча маълумот олиш учун Тожикистондаги ЛГБТ га қаранг: полиция томонидан калтакланган, зўрланган ва эксплуатация қилинган**, 2018 йил феврал.

6 Масалан, Омбудсманнинг мактубида жинсий ҳаракатларни куч ишлатиш ёки мажбурлаш билан жазоловчи қуидаги моддаларга ишора қилинган: Қозоғистон Жиноят кодексининг 121 ва 123-моддалари; 132 ва 133-моддалар - Россия Федерацияси; ва 139 ва 140-моддалар - Тожикистон.

7 Масалан, Омбудсманнинг мактубида 16 ёшгача бўлган бола билан жинсий алоқа қилиш ва бошқа ҳаракатлар учун жазоланадиган қуидаги моддаларга ишора қилинган: Қозоғистон Жиноят кодексининг 122-моддаси; 134-модда - Россия Федерацияси; 141-модда – Тожикистон).

Ўзбекистонда 120-модда гей ва бисексуал эркакларнинг кундалик ҳаётида доимий хавф туғдиради ва жинсий ориентацияси фош этилиши ва кейинчалик жиной жавобгарликка тортилишидан қўрқиб, гомофобик зўравонлик ва камситишлар ҳақида расмийларга шикоят қилишни ўта хавфли қиласди. Ушбу ҳужжатни чиқарган ташкилотлар ички ишлар органлари томонидан 120-модда бўйича жиной жавобгарликка тортилиши билан таҳдид қилинган гей ва бисексуал эркакларнинг кўплаб ҳолатларидан хабардор. Ҳақиқатан ҳам судланганлик билан якунланган ишлар (қўйида статистик маълумотларни кўринг) айсбергнинг фақат учидир.

Ички ишлар органлари, шунингдек, ўзбек жамиятида ўта шармандали деб топилган «гей» деган тамғадан қўрқишидан фойдаланиб 120-модда бўйича қамоқقا олиш таҳдидини гетеросексуал ва диндор мусулмонларга ҳам қўйгани ҳақида маълум. Ушбу ҳисобот муаллифлари бундай ҳолатлардан хабардор, аммо қурбонлар хавфсизлигини хавф остига қўйишидан қўрқиб, уларни нашр эта олмайди.

Ўзбекистон расмийлари яқинда 120-модда бўйича судланганлар сони бўйича статистик маълумотларни тақдим қила бошлади.

2021-йил феврал ойида Ўзбекистоннинг «Hook» мустақил ахборот агентлиги Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин 120-модда бўйича судланганлик ҳукми сони бўйича статистик маълумот олиш учун Олий судга сўров юборганини *хабар қилган эди*. Hookнинг сўзларига кўра, Олий суд бундай маълумотларни тақдим этишдан бош тортган ва уни тақдим этиш «жамоат онгига нотўри информацион-психологик таъсир кўрсатиши» ҳамда «жамиятни тарихий ва миллий урф-одат ва анъаналаридан узоқлаштириши» ни таъкидлаган. Олий суд ўз рад этишини асослаб, «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги қонунга) ҳам ҳавола қилди (<https://lex.uz/docs/52709>), қайсики маълумотлар жамият ёки давлатга заарли таъсир кўрсатиши мумкин деб ҳисобланганда, ҳокимият томонидан маълумот беришни рад этиш учун ноаниқ асосларни белгилайди.

2021-йил апрел ойида Ўзбекистонда биринчи марта 120-модда қўлланилиши бўйича расмий маълумотлар эълон қилинди. Бу ҳақда Ички ишлар вазирлиги хабар бериб, 2016-2020 йиллар давомида жами 44 нафар шахс 120-модда бўйича судланганини (2016 йилда олтита, 2017 йилда 15 та, 2018 йилда еттита, 2019 йилда еттита, 2020 йилда тўққизта) *маълум қилди*. Вазирликнинг қўшимча қилишича, маълумотлар эълон қилинган пайтда 49 киши қамоқ жазосини ўтаган. Бу маълумот Ўзбекистонда ҳам ички, ҳам хорижда жинсий озчиликлар муаммосига жамоатчилик эътибори кучайган даврда эълон қилинган. 2021-йил март ойи бошида халқаро ташкилотлар 120-моддани бекор қилишга чақирди; гомофоблар тўдаси Тошкент марказида ЛГБТ жамияти аъзолари ёки тарафдорлари деб билган ёшларга ҳужум қилишди; ва блоггер, ЛГБТ ҳукуқларининг фаол ҳимоячиси Миразиз Базаров ўша ойнинг охирида кўчада ҳужумга учради.

Омбудсман ва Инсон ҳукуқлари бўйича Ўзбекистон Миллий маркази томонидан 2022 йил январ ва феврал ойларида IPHRга тақдим этилган жавоблар, 2021 йилда жами 36 киши 120-модда бўйича судланганини далолат беради. Уларнинг йигирма бештаси қамоқ жазосига ҳукм қилинган. Бу Ички ишлар вазирлиги томонидан 2021 йилда эълон қилинган 2016 йилдан 2020 йилгача бўлган давр кўрсаткичларига нисбатан аниқ ўсишни кўрсатади. Инсон ҳукуқлари бўйича Миллий Марказ маълумотларига кўра, ўн олти киши жазони умуний режим колонияларида, беш киши - каттиқ тартибли колониясида (улар Жиноят кодексининг бир нечта моддалари бўйича судланган) ва тўрт киши манзил - колонияларда ўтаган.

Шунингдек, хатда 120-модда билан судланган яна 11 нафар шахс Ички ишлар вазирлиги Пробация хизматида рўйхатга олинган ва озодликни чеклаш жазосига ҳукм қилинган, жумладан, тунги вақтда яшаш жойини тарк этмаслик (11 та ҳолат); спиртли ичимликларни истеъмол қилмаслик (олтига ҳолат); муайян шахслар билан алоқа ўрнатмаслик (саккизга ҳолат); алоқа воситаларидан, шу жумладан Интернетдан фойдаланмаслик (иккита ҳолат); ва яшаш жойини ўзгартирмаслик (иккита ҳолат).

## **Ички ишлар органлари томонидан ўзбошимчалик билан ҳибсга олишлар, қийноқлар ва шафқатсиз муносабатда бўлиш, товламачилик ва оммавий «фош қилишлар»**

Ўзбекистонда гомосексуал ва бисексуал эркаклар ва трансгендерларни таъқиб қилишда ички ишлар органлари ходимлари асосий рол ўйнайди. Улар 120-моддани бузганликда гумон қилинаётган шахсларни қамоқча оладилар, уларни анал экспертизаларга юборадилар, бунинг ўзи ҳам шафқатсиз муомала шакли сифатида тан олинади ва ички ишлар органлари ходимлари кўпинча жабрланганларга нисбатан қийноқ ва шафқатсиз муносабатда бўлади.

Умуман олганда, жамиятда бўлгани каби, ички ишлар органларида ҳам гомо- ва трансфобик муносабатлар кенг тарқалган ва «гуноҳ» га қарши тахминий миссияни амалга ошириш учун жинсий озчиликларни фаол равишда қидирадиган ва тажовузкор равишда нишонга оладиган ходимлар бор. Бошқалар эса, гомосексуалликни жинойилаштириш ва жамиятдаги гомосексуал хатти-ҳаракатлар билан боғлиқ стигмани ўзларининг молиявий манфаатлари учун ишлатишади. Улар гей ёки бисексуал шахсларни оила аъзолари, қўшнилари, ҳамкаслари ёки ижтимоий тармоқлар орқали «фош қилиш» билан таҳдид қилишади ва жабрланувчи пора бермаса, уларни 120-модда бўйича айблашади. Қийноқ ва шафқатсиз муносабат кўпинча гей ва бисексуалларни жазолаш ва хўрлаш ҳамда жабрланувчининг ўз озодлигини тиклаш учун пора беришга тайёрлигини ошириш учун қўлланилади.

Табиийки, бундай шароитда эркаклар билан жинсий алоқада бўлган эркаклар ички ишлар органлари томонидан қидирилишидан қўрқишиади. 2022-йилнинг феврал ойида телеграм гуруҳида пайдо бўлган сурат гейлар ва бисексуаллар ҳамжамиятини даҳшатга солди. Суратда Жиззах вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғи томонидан 2022-йил 18-февралда имзоланган расмий бланкадаги хат кўрсатилган. Ҳақиқий бўлган ушбу хатда туман ва шаҳар ички ишлар органларига хабар қилинадики, Жиззах вилояти бошқармаси томонидан бир қатор жиноятлар, жумладан, Жиззах вилоятида гейлар ва бисексуаллар учрашиш жойи бўлиб ишлаган иккита, номлари қайд этилган телеграмм гуруҳида «бесоқолбозликни тарғиб қилувчи» шахсларга нисбатан 120-модда «Эркакнинг эркак билан зўрлик ишлатмасдан жинсий эҳтиёжини қондириш», 113-модда «Таносил ёки ОИВ касаллиги/ОИТСни тарқатиш» ва 130-модда «Зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш» бўйича дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда. Хатда айтилишича, «гурухнинг фаол аъзолари, шунингдек, ОИТСга чалинган шахсларнинг лақаблари ва шахсий маълумотлари ўн кун ичida бошқарманинг маҳфий ишлар билан шуғулланувчи бўлимига тақдим этилиши» ҳамда «гурухнинг фаоллари тураг жойлари GPS ёрдамида мунтазам назорат қилиниши» айтилган.

## ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ҲИБСХОНАСИДА ҚИЙНОҚЛАР ВА ШАФҚАТСИЗ МУОМАЛАЛАР

Ушбу ҳисобот муаллифлари сўнгги йилларда гей, бисексуал ёки трансгендер одамларнинг ички ишлар бўлимларида қийноқла солинганлиги ёки уларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлинганлиги ҳақида кўплаб ҳолатлардан хабардор.

Масалан, 2018-йил июл ойида, **Равшан**<sup>8</sup> исмли бисексуал йигит квартирасига ички ишлар ходимлари бостириб кириб, унинг шериги билан жинсий алоқада бўлаётганини тасвирга олишган. Ички ишлар идоралари ходимлари Равшанни маҳаллий ички ишлар бўлимига олиб бориб, «қўлларимни кишанлаб, шифтга осиб қўйишиди, қаттиқ калтаклашди ва дубинка билан зўрламоқчи бўлишиди». Шундан сўнг, улар уни ерга ётқизиши ва офицер унинг қорнига сакраб тушди.

Равшан шундай эслайди: «Умрим давомида ҳеч кимдан бундай ҳақорат ва калтакларни кўрмаганман. Ўшанда мен буларнинг барига чидагандан кўра ўлишни, тўсатдан ўлиб, бу қийноқлардан халос бўлишни хоҳлардим.» Ички ишлар ходимлари уни 2000 доллар бермаса, 120-модда бўйича қамоқча ташлаймиз, деб қўрқитганда, у пул тўлаб, қўйиб юборилган. Кейинчалик у шериги ички ишлар ходимлари билан ҳамкорлик қилганини ва қамоқ жазосидан қочиш учун уни тузоқча соганини тушунди.

2021-йилда **Қурбон** ва унинг икки дўсти кафеда ўтириб гаплашаётганларида гомосексуалликда гумонланиб, ички ишлар ходимлари томонидан қўлга олинган. Кейинроқ Қурбон бошқа бир дўсти ички ишлар органларининг ўзи унга босим ўтказганлиги сабабли ички ишлар органларига хабар берганини тушунди. Қурбоннинг сўзларига кўра, милиция ходимлари ички ишлар бўлимида йигитларни калтаклаган, тепган ва ҳақорат қилган ва уларга нисбатан жинойи иш очиш билан таҳдид қилган. Ички ишлар ходимлари телефонини олиб қўйишидан олдин Қурбон телефон рақамларни ва бошқа далилларни ўчириб ташлашга муваффақ бўлган. Бутун тунни ҳибхонада ўтказгандан сўнг, ички ишлар ходимлари унга 500 АҚШ долларини бермаса, унга қарши иш қўзғатишларини ва унинг жинсий ориентацияси ҳақида хотинига айтишларини таъкидлашди. Бунинг оқибатларидан қўрқиб, Қурбон уларнинг шартларига рози бўлди ва озод бўлгач, қарзга олинган пул пора тўлади. Ички ишлар ходими иш қўзғатмасликка ваъда берди. Қолган икки йигитнинг тақдири номаълум. Қурбон: «Қаерга шикоят қилишни, қаерга мурожаат қилишни билмайсан, бизни шундай қилишганидан ҳал хам жаҳлим чиқади. Мен бу ҳақда бошқа ўйламасликка ҳаракат қиласман, лекин буни ҳеч қачон унумтамайман.»

2021-йил январ ойида ёш гей **Жасурбек** Жиноят кодексининг 131-моддаси билан фоҳишахона ташкил қилганликда айланган. Унинг дўстлари, ички ишлар органлари билан муаммога дуч келган бошқа ЛГБТ шахсларига тез-тез ёрдам беришга уринишлари учун қасос сифатида ички ишлар органлари ходимлари унга қарши айбловлар қўйганини таъкидламоқда. Жасурбекнинг айтишича, ички ишлар органлари ходимлари ўзига қарши кўрсатма беришга мажбурлаш мақсадида унга нисбатан ёмон муносабатда бўлган; калтаклашган, қўполлик билан бўйнидан ушлаб юзини деворга босишган, жинсий ориентацияси туфайли уни камситган, масалан, «сен эркак эмассан, сенга ўхшаганларни қамаб йўқ қилиш керак» деб ҳақорат қилган.

8 Бу ва ушбу ҳисоботда тилга олинган бошқа гей, бисексуал ва трансгендерларнинг исмлари ўрнига уларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида тахаллуслардан фойдаланилган.

## МАЪЛУМ ҚИЛИШЛАРИЧА, АНАЛ ТЕКШИРУВЛАР МУНТАЗАМ РАВИШДА ОЛИБ БОРИЛАДИ

Ўзбекистонда ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари Жиноят кодексининг 120-моддаси бўйича бир жинсли алоқалар бўйича жиноий жавобгарликка тортиш учун «далил» олиш учун кўпинча анал экспертизадан ўтказишни буюради. Бутун дунё бўйлаб энг юқори ахлоқий хулқатвор ва ғамхўрлик меъёрларига риоя қилган шифокорлардан ташкил топган Жаҳон тибиёт ассоциацияси бир жинсли жинсий алоқаларни тасдиқлаш учун мажбурий анал текширувдан фойдаланишни қораловчи резолюцияни қабул қилди ва анал текширувларни «илмий асоссиз», «фойдасиз» ва «қийноққа солиш ёки шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала шакли»га тенглаштириди.<sup>9</sup>

IPHR нинг 2021 йил декабр ойидаги хатида Инсон ҳуқуқлари бўйича давлат миллий маркази раҳбари Акмал Сайдовдан Жаҳон тибиёт ассоциацияси холосаларига таяниб, Ўзбекистон анал текширувларни бекор қилишни режалаштираётганлиги ёки йўқлигини сўрашди. 2022 йил феврал ойидаги жавобида Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ бу хавотирларга жавоб бермади, бироқ Ўзбекистонда «суд-тибиёт экспертизаси холосаси фақат жинсий алоқа эҳтимолини билдиради ва унда «бесақолбозлик» сўзи кўрсатилмайди. Бу масала суднинг юрисдикциясига киради» деб таъкидлаган.

Халқаро инсон ҳуқуқлари гурӯҳлари ва AHRCA 2017-2021 йиллар давомида Ўзбекистонда тўққизта мажбурий анал текширув ҳолатини ҳужжатлаштирган<sup>10</sup>. Озод Европа/Озодлик радиоси 2021-йил август ойида хабар қилганидек, Ўзбекистон Ички ишлар вазирлигининг исми сир қолишини сўраган икки нафар ходими эркак маҳбусларни анал текширувдан ўтказиш тергов изоляторларида ва қамоқхоналарда шафқатсиз муносабатнинг энг кенг тарқалган шаклларидан бири эканлигини айтишган.<sup>11</sup>

Human Rights Watch маълумотларига кўра, 2021-йил бошида шифокорлар ички ишлар ходимларининг бўйруғи билан икки эркакни мажбурий анал текширувдан ўтказишган. Тошкент суди бир жинслилар ўртасидаги муносабатларни исботлаши керак бўлган тиббий холосаларга асосланиб, уларни икки йиллик уй қамоғига ҳукм қилди. Ҳибсга олинишидан олдин бирга яшаган эркакларга жазони бир-биридан 500 километр узоқликдаги шаҳарларда ўташ буюрилган ва интернетдан фойдаланиш тақиқланган.<sup>12</sup>

Яна бир мисол, бир неча йил аввал Тошкентдаги тибиёт муассасасида ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари иштирокида анал кўриқдан ўтган **Ойбек**<sup>13</sup> иши. Кейинчалик у Жиноят кодексининг 120-моддаси билан айбланиб, бир неча йиллик

9 *Бир жинсли жинсий алоқани тасдиқлаш учун мажбурий анал текширувларни ўтказилишини тақиқловчи WMA резолюцияси*, Бош Ассамблеяning 68-сессиясида қабул қилинган, Чикаго, АҚШ, 2017 йил октябрь.

10 Ўзбекистон: *Гомосексуаллик айбловларида мажбурий анал текшируви*, 2021 йил 5 август ва *Прокуратура закрыла уголовное дело, возбужденное против блогера из Андижана за защиту подростков от «гей-скандала»*, 4 декабр, 2020 йил.

11 Ҳуқуқ химоя қилиш гурӯҳлари Ўзбекистон томонини ректал текширувидан фойдаланишини тўхтатишини талаб қилганидан кейин янада кўпроқ суиистеъмоллик ҳақида огоҳлантиришлари, 2021 йил 10 август

12 Ўзбекистон: *Гомосексуаллик учун жиноий таъқиб қилишда мажбурий анал текширув*, 5 август, 2021 йил.

13 Бу ва ушбу ҳисоботда тилга олинган бошқа гей, бисексуал ва трансгендерларнинг исмлари ўрнига уларнинг ҳавфизлигини таъминлаш мақсадида тахаллуслардан фойдаланилган.

қамоқ жазосини ўтаган. Унинг ишининг бошқа тафсилотлари IPHRга маълум, аммо унинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ошкор қилинмаяпти.

Ички ишлар ходимлари одамларни бир жинсли муносабатлар учун жавобгарликка тортилишдан кўрқитиши ва пора беришга ундаш учун кўпинча анал текширувдан ўтказиш билан таҳдид қиласди.

Масалан, 2020-йилда **Фурқат** IPHRга унинг иш жойига икки нафар ички ишлар ходимлари келиб, шеригининг заргарлик буюмларини ўғирлаганликда айблаб, Тошкент шаҳар Ички ишлар бошқармасига олиб боришганини айтган. Унинг шериги ҳам ички ишлар бўлимида эди ва улар ички ишлар ходимларига гей эканликларини айтмасликка келишиб олишди. Ходимлар уларни сўроқ қилиш учун турли хоналарга олиб кетишган. Сўроқ пайтида улар Фурқатдан бир неча марта гейми ёки йўқлигини сўрашган, аммо у буни рад этган. Кейин ички ишлар ходимлари. «унинг гомосексуал алоқада бўлганлигини исботлаш учун тиббий кўриқдан ўтказиш билан таҳдид қилишди.» Фурқат шундай эслайди: « Қўрқдим. Айбимни тиббий кўриқда исботлашса, албатта, мени қамоқقا ташлашади, онам эса мендан воз кечади. Шунинг учун мен тан олишим керак эди». Натижада йигит ўғирланган заргарлик буюмларини сотишдан олган пулларини беришга рози бўлгач, ички ишлар органлари Фурқатга нисбатан жиной иш қўзғатмаган. Хабар қилинишича, кейинчалик Фурқатнинг шеригига ички ишлар ходимлари томонидан босим ўтказилиб, Фурқат пулни унга қайтариб берганлигини ёзма равишида тасдиқлашга мажбур қилишган, аммо ички ишлар ходимлари у пулни ўзларида олиб қолишган.

## ҚАМОҚХОНАДА ҚИЙНОҚЛАР, ШАФҚАТСИЗ МУОМАЛА ВА ЖИНСИЙ ЗЎРАВОНЛИК

120-моддага мувофиқ озодликдан маҳрум этилган шахслар ва гей ёки трансгендер деб топилган бошқа маҳкумлар мансабдор шахслар ва бошқа маҳкумлар томонидан жисмоний, жинсий ва бошқа зўравонликларга дучор бўлиш хавфи юқори. Улар норасмий, аммо қатъий қўлланиладиган маҳбуслар иерархиясида энг паст мақомга эга бўлиб, соқчилар ва бошқа маҳбуслар томонидан мунтазам равишида «қўл» сифатида фойдаланилади.

**Шавкат**<sup>14</sup> Жиноят кодексининг 120-моддаси ва бошқа моддалари билан бир неча йилга озодликдан маҳрум этилди. Жазонинг бир қисмини ўтаб бўлгач, шартли равишида озод қилинди. 2020-йилда у IPHRга терговга қадар қамоқقا олиш вақтида бошқа маҳбуслар томонидан мунтазам равишида жисмоний зўравонликка дучор бўлганини, қамоқхона қўриқчилари эса бунга кўз юмганини айтди. У тергов изоляторида ўтказган кунларим, «ҳаётимдаги энг даҳшатли ва жирканч кунлар бўлганини» эслайди. Худди шундай, у биринчи марта жазони ижро этиш муассасасига келганида, ходимлар уни калтаклаб, дубинка билан зўрламоқчи бўлишган, маҳбуслар ва қамоқхона ходимлари унга нафрат ва жирканчлик билан муносабатда бўлишган. У IPHRга «маҳбуслар икки тоифага бўлинади. ЛГБТ шахслар ва бошқалар. Ва ўша бошқалар биздан нафратланиб, зулм қиласдилар» деди.

14 Бу ва ушбу ҳисоботда тилга олинган бошқа гей, бисексуал ва трансгендерларнинг исмлари ўрнига уларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида тахаллуслардан фойдаланилган.

## ТОВЛАМАЧИЛИК ВА «ФОШ ҚИЛИШЛАР»

Ушбу ҳисобот муаллифлари томонидан олиб борилган тадқиқотлар шуни күрсатады, хукуқни муҳофаза қилиш органлари кўпинча гей ва бисексуал эркаклардан пул ундириш учун 120 – модда асосида иш қўзғатиш билан таҳдид қилишдан ташқари, уларнинг жинсий ориентациясини оила аъзоларига, қўшниларига, ҳамкасларига ёки ижтимоий тармоқларга ошкор қилиш билан таҳдид қилишади. Ушбу ҳисобот муаллифлари томонидан ҳужжатлаштирилган ҳолларда, ички ишлар ходимлари жабрланувчилар сўралган пора тўлаганларида айлов эълон қилмаганлар, бироқ жабрланувчилар кўпинча ички ишлар ходими ўз ваъдасини бажариш ёки бажармаслигини билишмайди ва йиллар давомида қўрқувда яшашади.

2021-йил апрел ойида **Амирнинг<sup>15</sup>** иш жойида икки киши келиб, улардан бири ўзини маҳаллий ички ишлар бўлимининг катта ходими деб танишириб, Амирга бир нечта саволларга жавоб бериш учун ички ишлар бўлимига келиши кераклигини айтди ва нимани билмоқчи эканлигини аниқ айтмади. Ички ишлар бўлимида ички ишлар ходими жабрланувчи ва бошقا бир йигит ўртасида интим суратлар ва жинсий алоқа хабарлари бўлган ёзишмалари ҳақида гапириб, Амирга «бесақолбозлик»ни тан олиш учун босим ўтказган. Амир бу айловлардаги номувофиқликларни таъкидлаб, ўз айини тан олишдан бош тортди.

Шундан сўнг ички ишлар ходими гапини ўзгартириб, жабрланувчини ўз ҳамкасларига топшириш билан таҳдид қилиб, нафақат эркакнинг ҳаёти барбод бўлиши, балки унинг бутун оиласи, жумладан, хотини ва болалари шарманда бўлишидан огоҳлантириди. Айлов тўғри ёки йўқлиги муҳим эмаслигини таъкидлади. Охир-оқибат, Амир қўрқитишларга дош бера олмай бир жинсли муносабатларга иқор бўлди. Бу босқичда терговчи уни Жиноят кодексининг 120-моддаси билан жиноий жавобгарликка тортиш билан таҳдид қилган.

Охир-оқибат Амир озод қилинди, бироқ бир неча кундан кейин уни яна ички ишлар бўлимига чақиришди ва у ерда унга дастлабки айловлар қўйиши. Кейин инспектор 5000 доллар пора ишни ёпиши мумкинлигини айтди ва Амир бу таклифга рози бўлди. Унга тўлаш учун бир ой муҳлат берилди ва агар ўз вақтида ушбу пулларни тўламаса, бу ҳақида оила аъзоларига маълум қилиниши ва унга айлов қўйилиши айтилган. Амир пора бериш учун пул топди ва унга қарши иш ҳалигача очилмаган.

2020-йилда **Умид** йигити билан боғда сайр қилаётганида, жуфтлик ҳовузга қараб ўпишган. Жуфтликни шу лаҳзасини улар билмаган ҳолда худуддаги кузатув камераси ёзиб олган ва маҳаллий қўриқчи туман Ички ишлар бўлимига хабар берган. Орадан кўп ўтмай, ички ишлар ходимлари жуфтликни сўроқ қилиш учун ички ишлар бўлимига олиб боришли, у ерда ички ишлар ходимлари ноқонуний равишда эркакнинг телефонларидан бирини тортиб олиши ва уни паролини ошкор қилишга мажбурлаш учун яширин таҳдидлар билан таҳдид қилиши. Ходимлар телефонда жуфтликнинг ўпишаётгани акс этган сурат ва видеоларни топиб, уларни Жиноят кодексининг 120-моддаси бўйича жиноий жавобгарликка тортиш билан таҳдид қила бошлаши. Ички ишлар ходимлари уларнинг ота-оналарини бўлимга чақирганидан сўнг, оталардан бири пора беришга мажбурланган, шундан сўнг улар қўйиб юборилган.

15 Бу ва ушбу ҳисоботда тилга олинган бошқа гей, бисексуал ва трансгендерларнинг исмлари ўрнига уларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида тахаллуслардан фойдаланилган.

Ушбу ҳисоботни биргаликда нашр этувчи ташкилотлар ички ишлар органлари ходимлари ўзларининг қурбонларини улар билан ҳамкорликка жалб қилиш ёки тузоқча тушириш учун ўзларини гейлар сифатида кўрсатиб, ижтимоий тармоқлар орқали гей ва бисексуал одамлар билан фаол алоқага чиқсан кўплаб ҳолатларни ҳужжатлаштирган. Ички ишлар ходимлари мунтазам равишда агар қурбонлар улар билан ҳамкорлик қилмаса 120-модда бўйича жиноий иш қўзғатамиз, оила аъзолари жинсий ориентацияси ҳақида хабардор қилинади, деб таҳдид қилган.

2020-йил декабр ойида **Қудрат**<sup>16</sup> IPHRга ижтимоий тармоқ орқали шахар марказида сайр қилиш учун учрашишни таклиф қилган бир одам билан учрашганини айтди. Маълум қилинишича, улар бир-бирини кўриши билан эркак унга ҳуқуқ-тартибот идоралари гувоҳномасини кўрсатиб, Қудратнинг қўл телефонини олиб, унинг жинсий ориентациясини исботлаш учун далиллар қидира бошлаган. Ички ишлар ходими ҳеч нарса топмаган бўлса-да, агар Қудратга 300 доллар бермаса, унга нисбатан 120-модда бўйича жиноий иш қўзғатиш билан таҳдид қилган. Қудрат унга пул берган, бироқ у Қудратнинг фош бўлиш қўрқувидан фойдаланиб, мунтазам равишда қўшимча тўловлар олиш учун у билан қайта-қайта учрашган.

Яна бир гей **Соҳаил** 2020-йилда интернет орқали танишган одам билан учрашувга келишди. Эркакнинг квартирасига келган Соҳаил янги таниши билан жинсий алоқа қилишни бошлаган. Бироқ, Соҳаил ечиниши биланоқ, у одам узурини сўраб, ҳожатхонага чиқиб кетди ва орқасидан хона эшигини ёпди. Орадан кўп ўтмай, хонага камерали бир гурӯҳ номаълум шахслар бостириб киришди; ҳамма нарсани суратга туширишди, Соҳаилга бақириб, уни фоҳишалиқда ва тажовузкор хатти-ҳаракатларда айблашди. Шундан сўнг уни хизмат машинасига итариб, ички ишлар бўлимиға олиб боришган ва у ерда у сўроқ қилинган. Сўроқ пайтида Соҳаил Жиноят кодексининг 120-моддасини бузганликда айбланган ва фош қилиш билан таҳдид қилинган. Якунида сўроқ олиб борувчи ходим агар Соҳаил пора берса, бу «муаммо» ҳал бўлиши мумкинлигини айтган.

Ушбу ҳисобот муаллифлари, ички ишлар ходимлари гетеросексуал эркакларни 120-модда бўйича айбловлар билан қўрқитган ва жамоат стигмаси ва гомосексуал хулқ-атворда айбланишнинг бошқа камситувчи ва оғриқли оқибатларидан қочиш учун уларни катта миқдордаги пул ёки мол-мulkни топширишга ёки оғир жиноятларга, жумладан, «терроризм» ёки «конститутциявий тузумни ағдаришга уриниш» га «икрор бўлишга» мажбуrlаган ҳолатлардан хабардор.

Шунингдек, телеграм ёки бошқа ахборот тарқатиш каналлари орқали ҳибсга олинган гей ёки бисексуал ва трансгендерларнинг видео тасвиirlари тарқатилган ҳолатлар ҳам бўлган. Видеони суратга туширган ёки тарқатган ички ишлар ходимлари маҳбусларнинг шахсий дахлсизлиги ҳуқуқини бузган ва уларни гомо- ва трансфобик репрессиялар хавфига дучор қилган.

Масалан, Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек туманида ички ишлар ходимлари томонидан икки нафар гей йигит қўлга олиниб, уларни зўравонлик билан сўроқ қилиш вақтида видеога олишган. Сўроқларнинг видеолари 2022-йил 1-феврал куни гомофобик Телеграмдаги <https://t.me/TYUZBEK> каналида тарқатилган. Видеода эркакларнинг юзларини таниб олиш мумкин, чунки улар минимал даражада хиралаштирилган, исм-шарифлари ва бошқа шахсий маълумотлари ошкор қилинган. Ҳозирда ёш йигитларнинг қаердалиги ва уларга қўйилган айблар номаълум.

16 Бу ва ушбу ҳисоботда тилга олинган бошқа гей, бисексуал ва трансгендерларнинг исмлари ўрнига уларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида таҳаллуслардан фойдаланилган.

Яна бир ҳолатда, 2021-йил 26-декабр куни UZREPORT TV телеканали Тошкент шаҳрида икки нафар трансгендер ички ишлар органлари йўл патрул хизмати ходимлари томонидан тўхтатиб қўйилгани ва кейинчалик қўлга олингани ҳақида хабар берган эди. Икки нафар ҳибсга олинган трансгендерлар ва ички ичслар ходимлари акс этган репортажда трансгендерларнинг исм-шарифлари очиқ айтилган ва ички ишлар органлари ходимларидан бири «Ўзини аёл деб таништирган фуқаро эркак бўлиб чиқди. Шунинг учун биз ҳозир вазиятни бартараф этиш чораларини кўряпмиз, маъмурий баённомалар тузилади, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда» -деди.

2021-йил 28-июн куни видео 300 000 обуначи орасида ҳукуқ-тартибот идоралари ходимлари кўп бўлган гомофобик *Телеграм каналида* тарқалди. Видеода Самарқанд вилояти ҳукуқ-тартибот идоралари ходимлари кўчада аёл кийимидаги эркакни қўлга олишган. Ички ишлар органлари ходимлари эркакни ҳақорат қилиб, маҳаллий идорага олиб кетишган. Ички ишлар органлари бўлимида видеони ёзиб олган шахс, ички ишлар органлари ходимидан Жиноят кодексида «бундай шахслар»га нисбатан модда бор-йўқлигини сўраган. Маҳбуснинг тақдирни, ҳозир қаердалиги ва соғлифи номаълум.

## ОИВ марказлари бепул антиретровирус (AVR) даволашни таклиф қиласи, лекин маҳфийлик сақланмайди

*“Бир неча марта тиббиёт мутахассислари ёшларни ўзларининг яқин шериклари ҳақида сўроқ қилишлари ва шерикларини ОИВ марказига олиб келишлари учун босим ўтказишиларига гувоҳ бўлганман. Мен улар буни ОИВ тарқалишига қарши курашиш учун қилаётганларини тушунаман, лекин ОИВ марказлари маълумотни қатъий сир сақламагани учун улар бу эркакларни жиноий жавобгарликка тортиш ва ўз қариндошлари томонидан рад этилиши хавфини қўйишидаи.”* ОИВ билан касалланган одамларга даволанишга ёрдам берадиган аутрич-ходим

Инсон ҳукуклари бўйича миллий марказининг 2022-йил феврал ойидаги IPHRга жавобига кўра, Ўзбекистонда ОИВ/ОИТС мақомига эга 45 минг киши яшайди, бироқ эксперталар Марказий Осиёда ОИВ статистик маълумотларининг ишонччилигидан хавотир билдиришган.<sup>17</sup> USAID маълумотларига кўра, Марказий Осиё ОИВ эпидемияси ўсишда давом этаётган дунёдаги кам сонли минтақалардан биридир.<sup>18</sup> Бу борада эркаклар билан жинсий алоқада бўлган эркаклар юқори хавф остида, гарчи ОИВ қон қўйиш, шу жумладан беморларнинг қариндошлари ёки дўстларининг текширилмаган қонлари, игна ва шприцларни қайта ишлатиш орқали ҳам юқади.<sup>19</sup>

ОИВ эпидемиясини назорат қилиш учун ҳукумат юқори хавф гуруҳидаги одамларнинг бошқаларга юқишининг олдини олишнинг самарали воситаси сифатида тест ва даволанишдан

17 Мисол учун қаранг: *Марказий Осиёда ОИВ эпидемиясини назорат остига олиш учун ҳали кўп ишлар қилиниши керак*, 2 декабр, 2019 йил.

18 USAID: *Марказий Осиёда ОИВ* (Сайт охирги марта янгиланган: 2022 йил 20 январ).

19 Масалан, ОИВ Адлия Тармоғи Ўзбекистондаги мамлакат сахифасига қаранг. (<https://www.hivjustice.net/country/uz/>) ва Claire Thorne, Nina Ferencic et al: Марказий Осиё: глобал ОИВ эпидемияси ўчоғи, The Lancet, 10-жилд 7-сон 2010-йил 1-июл ([https://doi.org/10.1016/S1473-3099\(10\)70118-3](https://doi.org/10.1016/S1473-3099(10)70118-3))

хавфсиз ва осон фойдаланишини таъминлаши керак. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) ОИВ инфекциясини текшириш хизматлари беш тамойилга амал қилишни тавсия қиласди: «розилик, махфийлик, маслаҳат, аниқ натижалар, даволаш ва бошқа хизматлар билан боғлиқлик».

Ананд Гровер, Ҳар бир инсоннинг эришилиши мумкин бўлган энг юқори даражадаги жисмоний ва руҳий саломатликдан фойдаланиш ҳуқуқи бўйича Maxsus Maъruzachisi 2010 йилда «ОИВ/ОИТС эпидемияси бўйича давлат соғлиқни сақлаш сиёсати гомосексуалликни декриминаллаштириш ЛГБТ шахсларини камситилишларига қарши курашиш билан биргаликда - вирус тарқалишини тўхтатишнинг муҳим воситаси эканлигини аниқ кўрсатиб турибди»» деди.<sup>20</sup>

Ўзбекистон расмийлари эса бошқача фикрда. «ОИВ тарқалишига қарши курашишнинг шошилинч зарурати туфайли гомосексуалликни декриминаллаштириш кўриб чиқилмади»,<sup>21</sup> — бу Ўзбекистон ҳукуматининг 2020-йил сентябр ойида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг (БМТ) Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар қўмитаси (CESCR) га лесбиянлар, гейлар, бисексуаллар, трансгендерлар ва интерсексларнинг соғлиқни сақлаш хизматидан фойдаланиш, иш, уй-жой билан таъминлаш ва таълим олишлари бўйича ва уларга нисбатан дискриминацияга қарши кураш бўйича кўрилган чораларни тасвирлаш ва гомосексуалликни декриминаллаштириш учун қандай чоралар кўрилганлигини тушунтириш сўралганида тўғридан-тўғри берган жавоби бўлди.<sup>22</sup>

Ўзбекистонда гейларнинг ОИВга қарши кураш марказларига боришдан кўрқишларига жиддий асослар бор. Антиретровирус (AVR) даволаш фақат Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидағи 15 ОИВ марказларидан бирида шахснинг паспорти ва бошқа шахсий маълумотлари тўлиқ рўйхатга олинганидан кейин белгиланади. ОИВ марказлари ОИВ билан касалланган гейлар ҳақидаги маълумотларни мунтазам равишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан баҳам кўриши ҳақида кучли белгилар мавжуд, бу эҳтимол ички, нодавлат расмий қоидага асосланади.

Бироқ, тиббиёт ходимларининг ОИВ марказлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан бу ҳамкорлиги Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг (ICCPR) шахсий дахлсизлик ҳуқуқини кафолатловчи 17-моддасини очиқдан-очиқ бузиш ҳисобланади. Махфийлик ҳуқуқи, шунингдек, «жисмоний дахлсизликни ҳурмат қилиш мажбуриятларини, шу жумладан ОИВ тестини ўтказиш учун хабардор розилик олиш мажбуриятини ва маълумотларнинг махфийлигини, шу жумладан, шахснинг ОИВ ҳолатига тегишли барча маълумотларнинг махфийлигини сақлаш заруриятини ўз ичига олади».<sup>23</sup> Ўзбекистонда бир жинсли муносабатлар жиноий жавобгарликка тортилар экан, гейлар ОИВ марказларига мурожаат қилишдан олдин икки марта ўйлаб кўришади.

20 Ҳар бир инсоннинг эришилиши мумкин бўлган энг юқори даражадаги жисмоний ва руҳий саломатликдан фойдаланиш ҳуқуқи бўйича Maxsus Maъruzachisining марузаси (A/HRC/14/20/Add.1), 14-банд (норасмий таржима). Ушбу баёнот Бурундида бир жинсли жинсий ҳаракатларни жиноий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси билан боғлиқ ҳолда қилинган.

21 *Саволлар рўйхатига ҳукуматнинг жавоби, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар қўмитаси*, 8-сентябр, 2020-йил.

22 Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар қўмитаси, *Ўзбекистоннинг учинчи даврий маъruzasi бўйича саволлар рўйхати*, 6 апрел, 2020 йил.

23 ОИВ/ОИТС ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро қўлланма, 119-банд: <https://www.ohchr.org/documents/publications/hivaidsguidelinesen.pdf>

Ушбу ҳисобот музаллифлари ОИВ маркази ходимлари ОИВ мусбат чиқган шахсларга, агар улар тезда рўйхатдан ўтиш учун марказга қайтиб мурожаат қилмасалар, улар ҳақида маълумотни ички ишлар органларига етказишларини айтишган ва шу билан уларни Жиноят кодексининг 113-моддаси «ОИВни қасдан тарқатиш» ва / ёки Жиноят кодексининг 120-моддаси «Бесоқолбозликда» айбланиш хавфи остида қолдиришган ҳолатлардан хабардор. Баъзида ОИВ марказлари ходимлари гомосексуал эркакларнинг қариндошларига уларнинг ОИВ ҳолати ва жинсий ориентацияси ҳақида айтиб беришлари билан таҳдид қилишади.

Шарқий Ўзбекистондан бўлган **Ақмал**<sup>24</sup> исмли гей эркак 2022-йил бошида ОИВ марказида ОИВ мусбат тест натижасини олган. У тушкунликка тушган ва маслаҳат ва даволаниш учун маҳаллий ОИВ марказидан келган барча таклифларни рад этган. Орадан бир неча ой ўтгач, ички ишлар ходимлари унга қўнғироқ қилиб, уни ОИВ марказига боришга қўндириш мақсадида Маҳалла қўмитаси мутасаддиларидан у ҳақида сўрашган. Ақмал марказга етиб келгач, ходимлар ундан жинсий ориентацияси, жинсий ҳаёти ҳақида сўроқ қилишган ва алоқа маълумотларини ёзиб олиш учун мобил телефонини олиб қўйишган.

ОИВ маркази билан ишлайдиган аутрич-ходим IPHRга **Иван** исмли йигит ОИВга текширилаётгanda марказ ходимлари ундан телефон рақамини сўрашганини айтиди. Икки кундан кейин унга қўнғироқ қилишди ва у ОИВ билан касалланганлигини айтишди. Шундан сўнг улар унинг кетидан ички ишлар ходимларини жўнатиб, агар у дарҳол марказга келиб, тўлиқ алоқа маълумотларини бермаса, унинг гей эканлигини оила аъзоларига айтиш билан таҳдид қилишган.

Марказда рўйхатга олинганидан сўнг ОИВ инфекцияси аниқланган шахслар эпидемиолог, инфекционист, вирусолог ва психолог каби тиббиёт мутахассислари томонидан кўридан ўтказилиб, улар ўз навбатида ОИВ инфекциясининг босқичини, юқтириш йўлларини аниқлашга, даволаш усуллари ҳақида маълумот беришга ҳаракат қилишади. Эркакнинг бир жинсли алоқа муносабатлари бор деган хулосага келгач, ОИВ маркази унинг марказ томонидан юритиладиган эпидемиологик картасига «гомосексуал ва бисексуал» деган маънени англатувчи 103 код рақамини қўшади. ОИВ марказлари турли юқори хавфли ОИВ гуруҳлари учун 22 хил кодлардан фойдаланади.<sup>25</sup>

**Расулнинг** иккинчи текшируви ҳам ижобий чиққач, уни юқумли касалликлар бўйича мутахассисга юборишли ва психологиян ёрдам таклиф қилишди, гарчи охиргиси Расул билан учрашиш учун ҳеч қандай қабул ўтказмаган. Юқумли касалликлар шифокори қабулида Расулдан жинсий ориентацияси ҳақида сўрашди. Гарчи у гетеросексуалман, деб жавоб берган бўлса-да, мутахассис ўзиникида туриб олишда давом этиб, нега турмуш қурмаганини сўраб, Ўзбекистонда ОИВ инфекциясини фақат маълум ёшдаги гомосексуаллар юқтиришини ва шу асосда гомосексуал бўлиш эҳтимоли кучлилигини ва шунга ўхшашлигини ва бу «дард» ни даволаш кераклигини таъкидлади. Мутахассиснинг Расулнинг ташхисини оиласига ошкор қилиш ва уни гомосексуал сифатида қайд этиш билан таҳдид қилиши билан бу баҳс тугади. Ҳозирда

24 Бу ва ушбу ҳисоботда тилга олинган бошқа гей, бисексуал ва трансгендерларнинг исмлари ўрнига уларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида таҳаллуслардан фойдаланилган.

25 Кодлар бўйича батафсил маълумот учун Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2015 йил 25 мартағи 123-сон буйруғига қаранг. «ОИВ инфекциясининг олдини олиш ва тиббий ёрдамни ташкил этишини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаши»: <https://jizzax-aids.uz/hujjatlar/hujjat-5.pdf> (80 б).

Расул AVR терапиясини олмоқда, аммо у яшаш жойидаги шу каби мутахассисга мурожаат қилишни давом эттириши керак.

Ушбу ҳисобот муаллифлари ОИВ маркази ходимлари ва икки маҳаллий ҳуқуқ-тартибот ходимларидан ОИВ марказлари ва ҳуқуқ-тартибот идоралари эркаклар билан жинсий алоқада бўлган эркаклар ҳақида муентазам равишда маълумот алмашиши ҳақида тасдиқловчи маълумотлар олдилар. Икки маҳаллий ички ишлар ходимининг AHRCАга айтишича, ОИВ билан касалланган одамларга ёрдам кўрсатадиган муассасаларнинг махфий маълумотлари Ички Ишлар Вазирлиги орқали ОИВ тарқалишининг олдини олиш вазифаси юкланган оператив ходимлар ва участка ички ишлар ходимларига тақдим этилади.

ОИВга қарши кураш марказининг ижтимоий ходими шундай деди: «Кўпинча ички ишлар ходимлари келиб, гейлар, 103 код билан рўйхатдан ўтганлар ҳақида маълумот сўрашади. Улар 120-модда бўйича жиноий иш қўзғатиш ниятлигиси борлиги ҳақида бизга айтишади». Бу кўплаб ижтимоий ишчиларнинг ушбу ҳисобот муаллифларига айтганларига мос келади.

## Нодавлат субъектлари томонидан таҳдид ва ҳақоратлар

Агресив гомофоблар кўпинча гейлар ва бисексуалларни, трансгендерларни ва ижтимоий тармоқларда жинсий озчиликларга нисбатан бағрикенгликни тарғиб қилувчиларни қидиради ва уларни зўравонлик билан ва исмларини, алоқа маълумотларини ва фотосуратларини Интернет хабар алмашиш хизматларида тарқатиш билан қўрқитиб, уларни «жазолаш» ва ўлдиришга чақиришади.

Бир қатор тажовузкор гомофоблар гомофоб ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари билан яқин алоқада бўлиб, келгусида зарар етказиш мақсадида гейлар, бисексуаллар ва трансгендерлар ҳақида маълумот алмашадилар.

Сўнгги йилларда кўплаб янги гомофобик мессенжерлар пайдо бўлди. 2020-йил июн ойида ишга туширилган гомофобик телеграм канали фаолиятининг дастлабки икки ҳафтасида 400 дан ортиқ фотосуратлар ва шахсий маълумотларни тарқатди. 2020-йил август ойида яна бир шунга ўхшаш гомофобик Телеграм канали очилди ([https://t.me/gey\\_yulduzları\\_uz](https://t.me/gey_yulduzları_uz)). Ушбу каналда фотосуратлари ва маълумотлари баҳам кўрилганларнинг баъзилари аслида гетеросексуал бўлиб, обрўсини тушуриш мақсадида, шахсий қасос туфайли таъқиб қилингани ҳақида даъволар бор. Телеграм 2021-йил октябр ойида интернет фойдаланувчиларидан каналдаги спам ва порнографик контент ҳақида кўплаб шикоятлар олгач, канални ёпган эди.

Ушбу ҳисобот муаллифлари сўнгги йилларда зўравон гомофоблар одамларни зўравонлик, жисмоний зўравонлик ва ижтимоий тармоқларда фош қилиш таҳдидига дучор қилган ўнлаб ҳолатлардан хабардор.<sup>26</sup> Интернет мессенжерларида калтакланган видеолар тарқалди ва сўнгги йилларда гейлар гомофоб тўдалар томонидан ўлдирилгани ёки оғир яралангани ҳақида ишончли хабарлар бор.<sup>27</sup>

Хавф туғилган тақдирда, бу одамлар ички ишлар органларининг ҳимоясига умид қила олмайди.

26 Баъзи ҳолатлар нашр этилган, масалан: <https://rus.ozodlik.org/a/29890288.html>

27 Мисол учун қаранг: <https://rus.ozodlik.org/a/28764955.html>

Құнғироқ қылғанлар **Комилнинг**<sup>28</sup> шахсини аниқлашга муваффақ бўлишди ва бир куни у ишдан кетаётгандан уни кузатиб боришаётганини пайқади. Сентябр ойида унинг уйи ёнида кимдир пайдо бўлиб, ярим тунда ётоқхона ойнасини тақиллатди. Ўқланаётган милтиқ овозини эшигтан Комил бор овози билан бақириб юборди ва одам кўздан ғойиб бўлди. Эртаси куни унинг телефонига яна бир қуидаги хабар келди: «Сени йўқ қиласиз, қонингни итларга тўйдирмиз!».

2021-йилда **Санжар** Интернетда узоқ муддатли муносабатларга қизиқкан одам билан танишди. Иккиси учрашди ва бирининг хонадонига кетаётгандаридан уларга бир неча киши яқинлашди. Улар Санжарга ҳужум қилишди ва уни қаттиқ калтаклашди ва ўлдириш билан таҳдид қилишди. Қайд этилишича, бир киши унинг томоғини шундай босганки, Санжар бўғилиб ўлиб қоламан деб ўйлаган. Унинг телефони ва пули ўғирланган.

Агресив гомофоблар ҳужумига учраган бошқа кўплаб одамлар сингари, Комил ва Санжар ҳам ички ишлар органларига хабар беришмади. Санжар буни қуидагича тушунтирди: «Мен юридик ёрдам сўрашдан қўрқдим. Агар менга ҳужум қылғанлар топилиб, жазоланса ҳам, мени жинсий ориентациям учун жазолашлари мумкин, деб қўрқардим. Мени текширувдан ўтказиб, жинсий алоқа изларини аниқлашларидан қўрқардим.»

Ушбу ҳисботот муаллифлари нодавлат субъектлар томонидан жисмоний ҳужум қурбонлари ички ишлар идораларидан ёрдам сўраган бир нечта ҳолатларни ҳужжатлаштирган. Ушбу ҳолатларнинг ҳеч бири самарали текширилмаган.

Мисол учун, 2020 йилда **Наим** исмли ёш гей йигит уни сохта учрашувга жалб қылган тажовузкор гомофоб груп томонидан ҳужумга учраганидан кейин ички ишлар идорасига мурожаат қилди. Бўлимда ички ишлар ходими жиноятни тергов қилишдан қатъиян бош тортди ва Наимни ўз шикоятини давом эттиришдан тийиб, гомосексуаллик Ўзбекистонда жиноий ҳуқуқбузарлик эканлигини таъкидлаб, Наим иш қўзғашни талаб қилса, янада қийин ахволга тушиб қолишини айтди. Ярим соат давомида ички ишлар ходими Наимни камситиб, Наимга ҳужум қылғанлар ва ҳуқуқ-тартибот ходимларининг қилмишларини «Оллоҳ кечиради» деб иддао қилди ва гомосексуалларнинг адолат ва ҳимояланиш ҳуқуқига эга эмаслигини айтди. Якунида Наим шикоят қилмасликка рози бўлди ва ички ишлар ходими Наимнинг бу қарорни олқишлиб, агар Наим гей бўлишни истаса, ё Европага кетиши кераклиги ёки Ўзбекистонда қолиб, ўлдирилиши ёки қамоқقا ташланиши мумкин, деган холосага келди.

2022-йил январ ойида Омбудсман идораси IPHRга 2021-йилда ҳуқуқ-тартибот идоралари гомофоблар томонидан гей, бисексуал эркаклар ёки трансгендер одамларга нисбатан қийноқлар, шафқатсиз мумалалар, товламачилик ёки оммавий баёнотлар ҳолатларини тергов қилинмагани ҳақида маълум қилди. Инсон ҳуқуқлари бўйича давлат миллий марказининг қўшимча қилишича, Ички ишлар вазирлигига жинсий озчиликларга таъсир кўрсатадиган инсон ҳуқуқларининг бузилиши ҳақида ҳеч қандай даъво ёки шикоят келиб тушмаган.

28 Бу ва ушбу ҳисботда тилга олинган бошқа гей, бисексуал ва трансгендерларнинг исмлари ўрнига уларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида таҳаллуслардан фойдаланилган.

## Сўз эркинлигини чеклаш

Ўзбекистон ҳукумати лезбиян, гей, бисексуал ва трансгендерларни қўллаб-қувватловчи ва уларнинг ҳуқуқларига дахлдор бўлган ҳуқуқбузарликлар ҳақида маълумот алмашган одамларга нисбатан сўз эркинлиги ҳуқуқини қаттиқ чеклайди.

2019-йил август ойида муҳожирлиқда яшовчи ўзбекистонлик фаол **Шоҳруҳ Салимов** Президент Шавкат Мирзиёевни эркаклар ўртасидаги ўзаро келишув асосидаги жинсий алоқани жиноий жавобгарликдан чиқариб ташлашга чақирган видеомурожаатини интернетга жойлаштирганидан кўп ўтмай, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари унга босим ўтказиш ва унинг кейинги фаолиятини олдини олиш мақсадида Салимовнинг Ўзбекистондаги қариндошлари билан учрашишган.

Хукуматнинг очиқ танқидчиси ва Ўзбекистонда бесоқолбозликни декриминаллаштириш тарафдори бўлган блогер **Миразиз Базаров** 2021-йил 28-март куни Тошкентдаги севгилисининг уйига кетаётганида ниқобли одамлар томонидан жисмоний ҳужумга учради ва натижада касалхонага ётқизилди. Текширув бошланган бўлсада, аммо самарали ўтказилмади. Ҳужум қилганларнинг ҳеч бири жавобгарликка тортилмаган. Базаров амалда озодликдан маҳрум қилинган, чунки у Тошкент шаҳридаги 1-сонли Республика клиник шифохонасига ётқизилган ва у ерда ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари томонидан туну-кун қўриқланган. 2021-йилнинг 29-апрелида Базаров касалхонадан чиққанидан сўнг маҳаллий суд уни зудлик билан уй қамоғига олишга рухсат олган ва унинг ташқи дунё билан алоқасини кескин чеклаган. Базаровга Тошкентдаги мактаблардан бирининг ижтимоий тармоқдаги танқидий пости ва исмини тилга олган уч гомофоб блоггерларнинг Ўзбекистон маҳсус хизматлари билан ҳамкорлик қилгани ва уларнинг блогларида исломий рамзларга ишора қилиб, уларни “Ироқ ва Сурия исломий давлати” (ИШИД) радикал гуруҳи билан алоқадалиқда айблаган баёноти туфайли туҳмат қилишда айбланган.

2022-йил 21-январда Тошкент шаҳар Миробод туман суди Миразиз Базаровни «фаразгўйлик ёки бошка паст ниятларда туҳмат» (139-модда З г-қисми) учун уч йилга озодликдан чеклаш жазосига ҳукм қилди. Базаровнинг адвокати Сергей Майоровнинг сўзларига кўра, Базаров ҳукм қилинган жазо – кечки соат 8:00 дан эрта тонггача уйдан чиқиши, ўз касби бўйича психолог бўлиб ишлаш ва интернетдан фойдаланишни тақиқлашдан иборат.<sup>29</sup> 2022-йилнинг март ойида Ўзбекистон расмийлари Базаровнинг паспортини қайтариб бермагани, шу орқали унинг мамлакатдан чиқиб кетишига тўсқинлик қилгани ҳақида хабар берилган эди.

Ушбу мақола муаллифларининг фикрича, Миразиз Базаровни ҳукумат сиёсатини тинч танқид қилгани, жумладан, гомосексуалликни криминаллаштириш сиёсатини танқид қилгани учун жазолаш мақсадида унга қарши туҳмат бўйича жиноий иш қўзғатилган.<sup>30</sup>

29 <https://www.gazeta.uz/ru/2022/01/21/mayorov/>

30 Унинг иши ҳақида кўпроқ маълумот олиш учун қаранг. **Ўзбекистон: Миразиз Базаров Ўзбекистоннинг сўз эркинлиги ҳуқуқини ҳурмат қилиш бўйича халқаро мажбуриятларини қўпол равишда бузганлиги ҳақида туҳмат билан айбланганлиги**, 27 сентябр, 2021 йил.

# Ҳукуматнинг инсон ҳуқуқлари бузилишларига қарши курашни истамаслиги

*“Шунингдек, зўравонлик ва коррупцияни яшириш учун дин билан оқланиб бўлмайди. 120-модда одамларга ЛГБТ вакилларини ҳақорат қилиш ва камситиш ҳуқуқини беради ва коррупцияни рағбатлантиради, бу ЛГБТ одамларидан пул ундиришининг жуда осон ва қулаи усулига айланди.”* Ўзбекистонлик ёш гей

*“Авваллари Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий жавобини кутардим, лекин ҳозир унинг жисим туришини Ўзбекистонда ЛГБТ ҳамжамиятига қарши содир бўлаётган барча воқеаларни маъқуллаш сифатида қабул қиласман, бу жуда даҳшатли. Сукунат ҳам ҳаракатдир.”* Ўзбекистонлик ёш гей

Ўзбекистонда гомосексуалликни декриминаллаштириш тарафдори бўлган халқаро инсон ҳуқуқлари гурӯхлари қонунчилар янги Жиноят кодексини ишлаб чиқишида бу жиноятни олиб ташлашига умид қилишган, бироқ Бosh прокуратура томонидан 2021-йил 22-февралда эълон қилинган Жиноят кодекси лойиҳасида эркаклар ўртасидаги ўзаро розилик асосида жинсий алоқа қилганлик учун жиноий жазо сақлаб қолинган ва унинг матнини ўзгаришсиз қолдирилган. Мазкур жиноят амалдаги Жиноят кодексининг 120-моддасидан кодекс лойиҳасининг янги бобидаги “Оила, болалар ва маънавиятга қарши жиноятлар” 154-моддасига кўчирилди. Мақолани ёзиш пайтида Жиноят кодекси лойиҳаси ҳали кўриб чиқилаётган эди. Инсон ҳуқуқлари бўйича давлат миллий маркази 2022-йил феврал ойида IPHRга Жиноят кодекси лойиҳаси «ҳозирда жамоатчилик муҳокамасидан сўнг келиб тушган таклиф ва мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилаётгани» ҳақида маълум қилган.

Ўзбекистонда жинсий ориентация ёки гендер идентификациясига кўра камситишни алоҳида таъқиқловчи дискриминацияга қарши кенг қамровли қонунчилик мавжуд эмас. Жинсий озчиликларга нисбатан бағрикенглик муносабатига қаратилган ҳукумат дастурлари ёки ташабbusлари мавжуд бўлмаганидек, бундай камситишларга қарши курашга қаратилган ташабbusлар ҳам йўқ. Миллий қонунчиликда этник, ирқий ёки диний адватни қўзғатиш учун жазо белгиланган бўлса-да, гомо ёки трансфобия асосида нафратга асосланган жиноятларини таъқиқловчи ҳеч қандай қонун қоидалари йўқ.

## Ҳукумат сиёсати

Сўнгги йилларда БМТ органлари билан ўзаро ҳамкорлик ва Ўзбекистон Омбудсмани ва Ҳукуматнинг инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказининг IPHR гай ўллаган мактублари ҳозиргача ҳукуматнинг ўзаро розилик асосидаги гомосексуал муносабатларни декриминаллаштиришни истамаслигидан далолат беради. Улар эркаклар ўртасидаги розилик асосидаги жинсий алоқаларни жиноийлаштириш инсон ҳуқуқларининг бузилиши эканлигини тан олишмади ёки уларга мурожаат қилишмади, шунингдек, жинсий озчиликларни ички ишлар ходимлари ва нодавлат субъектлар томонидан камситиш ва суиистеъмол қилинишидан ёки шахсий дахлсизлик ҳуқуқи бузилишидан ҳимоя қилиш учун чоралар кўрмадилар.

Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш томонидан 2018-йил май ойида ўтказилган Ўзбекистоннинг Универсал даврий шарҳи давомида Ўзбекистон гомосексуалликни декриминаллаштиришга, шу жумладан жинсий ориентация ва гендер идентификация асосида камситишларга курашишга чақирувчи 11 та тавсиянома олган. *Ўзбекистон бу тавсияларни қайд этди, бироқ уларни қўллаб-кувватламади.*

2019-йил декабр ойида Ўзбекистон ҳукумати БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитасига (HRC) Қўмитанинг масалалар рўйхатига *берган жавобида* «Жиноят кодексининг янги таҳрири устида олиб борилаётган ишлар доирасида Жиноят кодексининг 120-моддасидан истиснолар ва эркаклар ўртасидаги жинсий ҳаракатларни декриминаллаштириш масаласи экспертурухларида муҳокама қилинмоқда» дея жавоб берди. Ҳукумат «мамлакатнинг диний, ахлоқий ва маданий анъаналари ҳамда ўзбек жамиятининг асосларини инобатга олган ҳолда, якуний қарор қабул қилинишидан олдин бу масалалар аҳоли ўртасида кенг муҳокама қилиниши керак», дея қўшимча қилган.

2020-йил март ойида Ҳукумат делегацияси аъзоси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгashi бош маслаҳатчisi Оқил Убайдуллаев Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашнинг 2020-йил март ойида Ўзбекистон бўйича ўтказилган шарҳи чоғида «Ўзбекистонда лезбиянлар, гейлар, бисексуаллар, трансгендерлар ва интерсекс (ЛГБТИ) ҳамжамиятларининг ишга жойлашиши ёки соғлигини сақлашни чекловчи қонунлар мавжуд эмас» деди. Унинг таъкидлашича, « бундай турмуш тарзи ислом дини томонидан маъқулланмаса ва ўзбек ҳалқи менталитетига тўғри келмаса ҳам, бу жамоага мансуб шахсларга нисбатан ҳеч қандай радикал чораларкўрилмайди». Унинг қўшимча қилишича, «Жиноят кодексининг 120-моддасини бекорқилиш орқали бир жинсли муносабатларни декриминаллаштириш таклифи нафақат мусулмонларнинг, балки жамоатчиликнинг ҳам кучли қаршиликларига учраган» ва «Ўзбекистондаги алоҳида диний ва маданий контекстни ҳисобга олган ҳолда, бу масала фуқаролик жамияти томонидан ҳар қандай қарор қабул қилинишидан олдин диққат билан муҳокама қилиниши керак».

2020-йил сентабр ойида ҳукумат CESCR саволлар рўйхатига берган жавобида «ОИВ тарқалишига қарши курашишнинг шошилинч зарурати туфайли гомосексуалликни декриминаллаштириш масаласи кўриб чиқилмаганини» таъкидлади.

Ўзбекистон Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили 2022-йил январдаги IPHRга йўллаган мактубида «эркаклар ўртасидаги ўзаро келишув асосидаги жинсий алоқаларни жиноийлаштиришни миллий қонунчилигимиздан олиб ташлашнинг иложи йўқ, чунки бизнинг юртимизда асрлар давомида шаклланган миллий қадриятларимизга мос равишда бесақолбозлик рад этилган» деб ёзган. Омбудсман «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Идораларро комиссия таркибида Жиноят кодексининг янги таҳририни ишлаб чиқишида иштирок этган олимлар ва эксперtlар Жиноят кодексининг 120-моддасини декриминаллаштирумаслик ягона позицияни қабул қилиши», деб қўшимча қилди.

Омбудсманнинг хатида айтилишича, ўзаро розилик асосида гомосексуал муносабатларнинг жавобгарликка тортилишининг сақлаб қолинишининг асосий сабаблари декриминаллаштириш «аҳолининг қўпчилиги орасида жиддий норозиликни келтириб чиқариши, бу (...) жамиятдаги бекарорликка олиб келиши мумкин»; ва Жиноят кодексидан модданинг олиб ташланиши «минталитетимиз ва инсоният урф-одатларига ёт бўлган гомосексуаллик кўринишларига олиб келиши» мумкинлиги таъкидланди. Бундан ташқари, Омбудсман тартибсизликлар ўюштирган оломоннинг масалани ўз қўлига олиш ҳолатлари кўп бўлишидан хавотир билдири.

Омбудсман, шунингдек, бир жинсдаги шахслар ўртасидаги жинсий алоқалар «миллий анъана ва қадриятларимизга путур етказиши», «мамлакатимизнинг бутун дунё мусулмонлари ўртасидаги обўсига салбий таъсир кўрсатиши», «жамиятда ахлоқсиз муносабатлар»га олиб келишини таъкидлади.

Ҳукуматнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий маркази 2022 йил феврал ойидаги IPHR га мактубида худди шундай хавотирларни билдирган ва «гомосексуалликни тарғибот қилиш» «жамиятимиз учун жиддий хавф» деб ҳисоблашини қўшимча қилган.

2022-йилнинг 22-феврал куни Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ раҳбари, CESCR даги ҳукумат делегацияси аъзоси Акмал Сайдов CESCR га «Ўзбекистон ўз халқаро мажбуриятларига жуда жиддий ёндашаётгани» ва 120-модданинг бекор қилиниши «бу жиноят қонунчилигининг умумий кўриб чиқиш асносида кўриб чиқилиши керак» деди. Шу билан бирга, у «Ҳукумат жамиятнинг Ўзбекистонда кенг тарқалган гомосексуалликга нисбатан ўта салбий муносабатини ҳисобга олиши керак», деб таъкидлади.

## Ҳукумат амалдорлари ва сиёsatчиларнинг гомофобик баёнотлари

Сўнгги йилларда бир қанча ҳукумат амалдорлари ва сиёsatчилар очиқасига гомофобик фикрларни билдиришмоқда. Бундай баёнотлардан кейин ҳукумат амалдорлари жинсий озвиликларнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қила олмаяпти. Қуйида ҳукумат амалдорлари, сиёsatчилар, шуниндек давлат телевидениесида билдирилган гомофобик баёнотларга мисоллар келтирилган.

2021-йилнинг март ойида Podrobno.uz ахборот агентлиги Олий Мажлис (Парламент) Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринbosари Алишер Қодиров ижтимоий тармоқларда 120-моддани кучайтиришга чақириқларини эълон қилгани ҳақида хабар берган эди: «Модда гомосексуализм ва ЛГБТ ғояларини тарғиб қилишнинг барча шаклларини тақиқлаши керак (...). Модда «мажбурий даволаш, қамоқقا олиш, фуқароликдан маҳрум қилиш ва депортацияни назарда тутиши керак (...). Бу худди ғурури йўқ, миллати йўқ террорчиларга ўхшайди! Биз sizни rad этамиз! Биз Ўзбекистонни siz яшай олмайдиган давлатга айлантириш учун қўлимиздан келганини қиласиз».<sup>31</sup> 2021-йил июл ойида Gazeta.uz хабар беришига қараганда, Қодиров яна шундай деган эди: «Ўзбеклар замонавийлаша олади, дунёқарашини ўзгартира олади, лекин ҳеч қачон гомосексуал муносабатларни ёки бир жинсли эркак никоҳларини қонунийлаштирумайди, юз ёки минг йилдан кейин ҳам (...). Хўш, нега бу одамларни қийнаб, жамиятимизда яшашга мажбуrlash керак? (...) Келинглар (уларга) ёрдам берайлик. Бошқалар тезда қабул қилишлари учун уларни фуқароликдан маҳрум қиласлийлик.»<sup>32</sup>

2021-йил март ойида Ўзбекистон Қонунчилик палатаси депутати Расул Кушербоев ўзининг *телеграм-каналида* нутқ сўзлаб, ЛГБТ вакиллари ҳуқуқларини қоралаган эди. Унинг фикрича, бундай ҳуқуқлар халқаро ҳуқуқ нормаси эмас. Шунингдек, у бундай кишиларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳақида қайғурmasлигини ва депутат сифатида икки эркакнинг эр-хотинdek яшашига ҳеч қачон йўл қўйmasлигини айтди. У ЛГБТ ҳуқуқлари мамлакат ривожига зарар етказиши ва унинг

31 <https://podrobno.uz/cat/proisshestviya/rukovoditel-demokraticeskoy-partii-milliy-tiklanish-zayavil-chto-predstaviteley-lgbt-soobshchestva/>

32 <https://www.gazeta.uz/ru/2021/06/07/kadirov-alisher/>

генофондининг деградациясига олиб келишини айтишгача борди ва халқаро инсон ҳуқуқлари ташкилотларининг мақсади ЛГБТ одамларини ҳимоя қилиш эмас, балки баъзи халқларнинг йўқ бўлиб кетишига сабаб бўлиш эканлигини таъкидлади.

Ўша ойда Ўзбекистон халқ демократик партияси депутати Буранов Шербек сўзга чиқиб, Жиноят кодексининг 120-моддасини қутлаб, уни бекор қилмасликка чақирди ва мазкур модда Ўзбекистон сайловчиларининг фикр ва истакларидан келиб чиқсанлигини таъкидлади. Ўша нутқида у сайловчиларни жамиятдан жинсий озчиликларни рад этишга чақириб, бундай одамлар «[Ўзбекистон] қонунчилигига, [ўз] халқининг қадриятларига, [унинг] муқаддас динига зид эканлигини» таъкидлади.<sup>33</sup>

Самарқанд ҳокими Бобурмирзо Облақулов 2021-йил август ойида нутқ сўзлаб, Ўзбекистонда жинсий озчиликларга ўрин йўқлигини таъкидлади, мамлакатни ғарб қадриятлардан ва ёшларнинг ахлоқий қадриятларига таъсир кўрсатиш ва камситиш орқали миллатни бузишга интилаётган бузғунчи кучлардан тозалашга чақириди.

2020-йил август ойида Ўзбекистон давлат телевидениеси феминизм ва бир жинсли муносабатларни «ёт унсурлар» сифатида қоралаган 90 дақиқалик кўрсатувни эфирга узатди. Дастурда ЛГБТ ҳаракатини COVID -19 пандемиясидан кўра хавфлироқ маданий ва маънавий «вирус» деб таърифлаган, хусусан, бир жинсли никоҳ ва жинсни ўзгартириш операцияси «хавфи» ни таъкидлаб ўтган мутахассислар иштирок этди. Дастур, шунингдек, ёшларни гомосексуаллар таъсирига тушиб қолишдан ва «гей модаси» дан нусха кўчиришдан огоҳлантириди. Ушбу ғалати сегментда Маънавият ва маърифат бўлими ходими Мансур Мусаев Европа гейлари бир-бирларини калта пайпоқ (ёки уларсиз) ва бошнинг икки чекасида сочни қиртишлаб олинганидан танийдилар деб таъкидлади.

## Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятлари

2020-йил октябр ойида Ўзбекистон БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига 2021-2023 йилларга сайланган. Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашнинг таъсис резолютсиясига кўра, аъзо мамлакат сифатида ундан «инсон ҳуқуқларини тарғиб қилиш ва ҳимоя қилишда энг юқори стандартларни қўллаб-қувватлаши» кутилмоқда.<sup>34</sup>

Ўзбекистон Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (ICCPR), Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (ICESCR), Қийнойларга ҳамда мумомала ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситадиган турларига қарши конвенция (Қийноқларга қарши конвенция) ва инсон ҳуқуқлари бўйича бошқа халқаро шартномаларнинг иштирокчиси сифатида, Ўзбекистондаги жинсий озчиликларга таъсир этувчи инсон ҳуқуқлари тамойилларини ҳурмат қилиш мажбуриятини олган. Ушбу бобда ушбу тамойилларнинг қисқача тавсифи берилган. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ мажбуриятлари ҳақида қўшимча маълумот олиш учун 2015-йил май ойида чоп этилган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари

33 <https://parliament.gov.uz/uz/events/opinion/34073/>

34 Бош Ассамблея томонидан қабул қилинган резолютсия, Инсон ҳуқуқлари кенгashi, 2006 йил 3 апрел, 9-банд (A/RES/60/251).

бошқармасининг жинсий ориентация ва гендер идентификацияга асосланган шахсларга нисбатан камситиш ва зўравонлик бўйича ҳисботига қаранг.<sup>35</sup>

Ўзбекистоннинг шартномавий мажбуриятлари бажарилишини ўрганиб чиққандан сўнг, САТ, HRC ва CESCR 2020 йил январ, 2020 йил апрел ва 2022 йил март ойларида якуний кузатувларни эълон қилди ва эркаклар ўртасидаги ўзаро розилик асосида бир жинсли муносабатларнинг жиноий ҳисбланиши ва давлат ва нодавлат субъектлар томонидан ЛГБТ шахсларнинг ҳуқуқлари бузилиши, жумладан, қамоқхоналарда камситиш, таъқиб қилиш, қийноқлар ва шафқатсиз муносабатда бўлиш, шунингдек, бундай ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарларнинг жазосиз қолиши тўғрисидаги ҳисботларнинг давомэтишидан хавотирда эканлигини билдириди. БМТнинг учта қўмитаси Ўзбекистонни Жиноят кодексининг 120-моддасини бекор қилишга ва дискриминацияга қарши кенг қамровли қонун қабул қилишга чақирди. Қийноқларга қарши Қўмита (CAT) ва HRC қўшимча равишда Ўзбекистонни қийноқлар ва шафқатсиз муносабатнинг бошқа шакллари ҳақидаги даъволарни самарали текширишга чақирди; айборларни жавобгарликка тортиш; ва инсоннинг жинсий ориентацияси ёки гендер идентификациясига асосланган ижтимоий стигма, таъқиб, нафрат нутқи, камситиш ёки зўравонликка қарши курашиш.

2018-йилнинг май ойида Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш томонидан Ўзбекистоннинг универсал даврий шарҳи чоғида ўн бир давлат Ўзбекистонни гомосексуалликни декриминаллаштириш ва жинсий ориентация ва гендер идентификация асосида камситишга қарши курашишга чақирди. Ўзбекистон тавсияларни эътиборга олди, бироқ уларни қўллаб-қувватламади.

Қўйида Ўзбекистонда гей, бисексуал эркаклар ва трансгендерларга нисбатан тез-тез бузиладиган халқаро инсон ҳуқуқлари ҳуқуқининг асосий тамойиллари ҳақида қисқача маълумот берилган.

## Камситилмаслик ҳуқуқи

Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро қонун ва стандартлар давлатларни барча шахсларни тенг ҳимоя қилишни ва ўз юрисдикцияси доирасидаги барча шахсларнинг ҳуқуқларини ҳеч қандай фарқ ёки камситишсиз кафолатлаш ва ҳимоя қилишга мажбур қиласди. Ўзбекистон ICCPR нинг иштирокчиси сифатида 26-моддада келтирилган, «[ҳамма] шахслар қонун олдида тенгdir ва ҳеч қандай камситилмасдан қонун томонидан тенг ҳимояланиш ҳуқуқига эга» тамойилга риоя қилиш мажбуриятини олди. Шу муносабат билан, қонун ҳар қандай камситишларни тақиқлайди ва барча шахсларга ирқи, ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ёки бошқа қарашлари, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мулки, туғилиши ёки бошқа мақомга қўра камситишдан тенг ва самарали ҳимоя қилишни кафолатлайди.

Гарчи БМТнинг ушбу ва бошқа шартномаларида назарда тутилган тақиқланган камситишнинг санаб ўтилган асослари «жинсий ориентация» ёки «гендер идентификация» тўғридан-тўғри тааллуқли бўлмаса-да, баён этилган асослар тўлиқ эмас ва дискриминацияга йўл қўймаслик қоидалари «бошқа мақом»га асосланган камситиш учун ҳам қўлланилади, шу жумладан жинсий ориентация ва гендер идентификацияни ўз ичига олган ҳолда.

2009 йил июл ойида СЕССР ўзининг 20-сонли Умумий изоҳида жинсий ориентация ва гендер ўзига хослиги - камситишнинг тақиқланган асослари сифатида тан олинишини тасдиқлади (32-банд).

35 Олий комиссарнинг Инсон ҳуқуқлари кенгашига *маърузаси*, 2015 йил май. (A/HRC/29/23)

2016 йил май ойида 22-сонли Умумий изоҳда CESCR розилик асосида катталар ўртасидаги бир жинсли муносабатларни жинойлаштириш инсон ҳуқуқларининг бузилиши эканлигини ва Пактга аъзо давлатлар гомофобия ва трансфобияга қарши курашиш мажбуриятини олишини аниқ кўрсатди (23-банд).

Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комисар 2015-йилда Инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгашнинг шахсларга нисбатан жинсий ориентацияси ва гендер идентификациясидан келиб чиқсан ҳолда камситиш ва зўравонлик ҳолатлари тўғрисидаги ҳисботида «ўзаро розилик асосида гомосексуал ҳаракатларни жиноят деб ҳисоблайдиган давлатлар халқаро инсон ҳуқуқлари қонунини бузади, чунки бу қонунлар ўз мавжудлиги билан шахсий дахлсизлик ва камситмаслик ҳуқуқларини бузилишидир» (43-банд) ва давлатлар «шахсларни камситувчи асослар, жумладан, жинсий ориентация ва гендер ўзига хослиги бўйича ҳибсга ёки қамоқга олишдан тишилиши керак» деб таъкидлади (15-банд).

Халқаро инсон ҳуқуқлари ташкилотлари камситувчи қонунлар ОИВ/ОИТСга қарши соғлиқни сақлаш кампанияларига салбий таъсир кўрсатишини таъкидламоқда.<sup>36</sup>

## **Ўзбошимчалик билан ҳибсга олимаслик ва қамоқقا олимаслик ҳуқуқи**

ICCPR нинг 9-моддаси 1-қисмида «Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким ўзбошимчалик билан ҳибсга олиниши ёки қамоқقا олиниши мумкин эмас» дейилган.

Ўзбошимчалик билан ҳибсга олиш бўйича ишчи груҳи доимий равишда шахсни жинсий ориентацияси асосида ҳибсга олиш халқаро ҳуқуқ томонидан тақиқланганлигини таъкидлаб келади.<sup>37</sup>

Ўзининг 2014-йил декабр ойида чиқарилган 35-сонли Умумий изоҳида, HRC камситувчи асосларда, шу жумладан жинсий ориентация ёки гендер идентификацияси асосида ҳибсга олиш ёки қамоқга олиш ўзбошимчалик ҳисобланади ва давлатларнинг ICCPR бўйича мажбуриятларини бузлиши ҳисобланади деб белгилайди (3 ва 17 бандлар).

## **Қийноқ ва шафқатсиз муомалага дучор бўлмаслик ҳуқуқи**

Фуқароликвасиёсийҳуқуқлартўғрисидагихалқаропактҳамда Қийноқларга қарши конвенциянинг иштирокчиси сифатида Ўзбекистон ҳеч ким қийноқقا солинмаслиги, шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ёки жазога дучор этилмаслигини таъминлаш мажбуриятини олади (ICCPR нинг 7-моддаси ва Қийноқларга қарши конвентсияларнинг 2 ва 16-моддалари).

36 Мисол учун қаранг: Камерун бўйича Инсон ҳуқуқлари қўмитасининг якуний кузатувлари (CCPR/C/CMR/CO/4), 2010 йил, 12-бандда; Ямайка (CCPR/C/JAM/CO/3 2011, 9-бандда. Шунингдек қаранг, Тунен v. Австралия, Мурожаат № 488/1992. (CCPR/C/50/D/488/1992), 1994 г., в п. 8.5 б.

37 <https://www.ohchr.org/documents/publications/bornfreeandequalrights.pdf>

2-сонли Умумий изоҳда САТ аниқлик киритдики, давлат масъулияти бошланади, шу жумладан қамоқхона ва ички ишлар органлари ходимлари қийноқлар ёки шафқатсиз муносабатнинг бошқа шаклларини бевосита содир этса, ундашса, рағбатлантирса, қўллаб - қувватласа, уларга йўл қўйса ёки бошқа йўл билан шунда иштирок этса, шунингдек мансабдор шахслар жиноятнинг олдини олмаса, тергов ўтказмаса ёки давлат ёки хусусий шахсларнинг бундай хатти-ҳаракатларини жавобгарликка тортмаса ва жазоламаса (15-19-бандлар).

Қийноқларга қарши Конвенциянинг 14-моддаси давлатларни ўзларининг ҳуқуқий тизимларида қийноқлар қурбонига етказилган заарни қоплашга ва адолатли ва муносиб товоң олиш ҳуқуқини таъминлашга, шу жумладан имкон қадар тўлиқ реабилитация қилиш воситаларини ҳам таъминлашга мажбур қиласди.

Қийноқларни тақиқлаш жинсий зўравонликнинг тақиқланишини ва давлатнинг жинсий зўравонликнинг олдини олиш, жинсий зўравонликнинг ҳар қандай ҳаракатини тўхтатиш ва жабрланганларга ёрдам бериш учун барча имкониятларни ишга солиш мажбуриятини ўз ичига олади.<sup>38</sup>

Қийноқларга қарши Конвенциянинг 1-моддасида айтилишича, «давлат мансабдор шахси ёки бошқа мансабдор шахснинг ташабbusи ёки розилиги ёки сўзсиз розилиги билан» турли мақсадлар ва сабабларга қўра одамга қаттиқ оғриқ ёки азоб-уқубатлар келтирилса, шу жумладан «ҳар қандай камситиши» - бу қийноқ деб ҳисобланади.

2001 йилда БМТ Бош Ассамблеяси оралиқ маъруzasида ўша пайтдаги Қийноқлар масаласи бўйича Махсус маърузачи, жаноб Найжел Родли жинсий озчиликлар «ижтимоий жиҳатдан қурилган гендер талабларига мос келмагани учун номутаносиб равишда қийноқларга ва бошқа шафқатсиз муносабатга дучор бўлаётгани» (19-банд) ва «жинсий озчиликлар вакилларига нисбатан камситувчи муносабат улар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан камроқ ишончли деб қабул қилиниши ёки тенг ҳимоя стандартига, шу жумладан нодавлат субъектлар томонидан амалга ошириладиган зўравонликтан ҳимояланишга тўлиқ ҳуқуққа эга эмаслигини англалиши мумкинлиги» дан хавотир билдири. Шунингдек, у «ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари томонидан жабрланувчининг туғилиш пайтидаги жинси ёки унинг жинсий ориентациясини (шу жумладан, оила аъзоларига) ошкор этиш тўғрисида дўйк-пўписа қилиш жабрланувчиларнинг катта қисмини зўравонлик тўғрисида ариза беришдан тўхтатиб қўйиши мумкинлигидан» афсус билдири (21-банд).<sup>39</sup>

2008 йил январ ойида САТ томонидан эълон қилинган 2-сонли Умумий изоҳда айтилишича, давлатларнинг қийноқларни олдини олиш мажбурияти, жумладан, «жинсий ориентация» ва «трансгендер кимлиги» дан қатъи назар, «ўз қонунларининг амалда барча шахсларга нисбатан қўлланилишини» таъминлаш мажбуриятини ва «айниқса қийноқларга дучор бўлиш хавфи остида бўлган гуруҳлар аъзоларини ушбу шахсларга нисбатан зўравонлик ва шафқатсиз муносабатда бўлган барча ҳаракатларни тўлиқ жавобгарликка тортиш ва жазолаш ҳамда бошқа ижобий олдини олиш ва ҳимоя қилишни» ўз ичига олади (21-банд). САТ шунингдек, “эркаклар ҳам, аёллар ҳам, ўғил болалар ҳам, қизлар ҳам, де-факто ёки ижтимоий жиҳатдан белгиланган гендер ролларига мос келмаслиги сабабли Конвенциянинг бузилишига дучор бўлиши мумкин.

38 Аёлларга нисбатан зўравонлик, унинг сабаблари ва оқибатлари бўйича махсус маърузачи Рашид Манжунинг маърузаси, Илова, A/HRC/14/22/Add.1, 19-банд, 2010 йил 2 июн: <http://www2.ohchr.org/english/bodies/hrcouncil/docs/14session/A.HRC.14.22.Add1.pdf>

39 <https://digitallibrary.un.org/record/446206#record-files-collapse-header>

Иштирокчи-давлатлардан ўз ҳисоботларида ушбу ҳолатлар ва уларни жазолаш ва олдини олиш бўйича кўрилган чораларни кўрсатишлари сўралади (22-банд).

2012 йил ноябр ойида чиқарилган САТ 3-сонли Умумий изоҳи Конвенциянинг 14-моддасига мувофиқ иштирокчи-давлатларнинг мажбуриятларини аниқлаб беради ва «жинсий ориентациясидан [ёки] гендер идентификациясидан қатъи назар, компенсация барча шахслар учун тенг бўлиши керак» деб белгилайди (32-банд).

## Саломатлик ҳуқуқи

ICESCR аъзоси сифатида Ўзбекистон 12-моддага мувофиқ «ҳар бир инсоннинг жисмоний ва руҳий саломатликнинг эришиш мумкин бўлган энг юқори стандартига эга бўлиш ҳуқуқини» таъминлаш мажбуриятини олган.

CESCR томонидан ўзининг 14-сонли Умумий изоҳида таърифланганидек, саломатлик ҳуқуқи эркинлик ва ҳуқуқларни ҳам ўз ичига олади. Эркинлик ўз соғлиғи ва танасини ўзи хохлоганча тасарруф қилиш ҳуқуқини, шу жумладан жинсий ва репродуктив эркинликни, шунингдек, қийноқлардан, мажбурий тиббий даволанишдан ва текширувлардан холи бўлиш, аралашишдан холи бўлиш ҳуқуқини ўз ичига олади (8-банд).

14-сонли Умумий изоҳда, шунингдек, саломатлик ҳуқуқининг асосий элементи сифатида соғлиқни сақлаш муассасалари, товарлар ва хизматлардан камситишсиз фойдаланишни ўз ичига олади. Айниқса, энг заиф ёки маргиналлашган аҳоли соғлиқни сақлаш муассасалари, товарлар ва хизматлардан фойдаланиш имкониятига эга бўлиши керак. Шуни таъкидлаш керакки, иштирокчи-давлат ҳеч қандай шароитда ўзининг асосий мажбуриятларига риоя қилмаслигини оқлай олмайди, чунки улар чеклаб бўлмайдиган ҳисобланади (43-банд).

Ахборотдан фойдаланиш саломатлик ҳуқуқининг муҳим жиҳати бўлиб, соғлиқни сақлаш масалалари бўйича ахборот ва ғояларни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқини ўз ичига олади. Бироқ, Кўмита томонидан аниқланганидек, маълумотлардан фойдалана олишлик шахсий тиббий маълумотларнинг маҳфийлиги ҳуқуқини бузмаслиги керак. 12-моддага кўра Ўзбекистон «барча тиббиёт муассасалари, товарлари ва хизматларитиббий этикага ва маданий меъёрларга мувофиқ бўлишини таъминлаши шарт, яъни шахслар, озчиликлар, халқлар ва жамоалар маданиятини ҳурмат қилиш, гендер талабларини ва ҳаёт айланишини ҳисобга олиши керак», шунингдек, «манфаатдор шахсларнинг шахсий ҳаёти ва соғлиғини ҳурмат қилишни мақсад қилган бўлиши керак» (14-сонли Умумий изоҳнинг 12-банди).

2022-йил март ойида CESCR Ўзбекистоннинг учинчи даврий ҳисботи бўйича ўзининг якуний кузатишларида Ўзбекистонга ОИВ/ОИТС билан касалланган шахсларга нисбатан камситувчи қоидаларни бартараф этиш бўйича қонунчилик базасини қайта кўриб чиқишни ва ОИВ билан яшовчи шахслар, шунингдек, лесбиян, гей, бисексуал, трансгендер ва интерсекс каби маргинал гуруҳлар вакилларига нисбатан салбий стереотиплар ва стигмаларни бартараф этиш мақсадида аҳоли, тиббиёт ходимлари, ҳуқуқ-тартиботидорлари ва бошқа давлат амалдорларига қаратилган маърифий кампанияларни ўтказишни тавсия қилди.<sup>40</sup>

40 Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар қўмитасининг Ўзбекистон бўйича якуний кузатуви (E/C.12/UZB/CO/3), 2022 йил, 21-банд. [https://tbinternet.ohchr.org/\\_layouts/15/treatybodyexternal/Download.aspx?symbolno=E%2fC.12%2fUZB%2fCO%2f3&Lang=en](https://tbinternet.ohchr.org/_layouts/15/treatybodyexternal/Download.aspx?symbolno=E%2fC.12%2fUZB%2fCO%2f3&Lang=en)

## Шахсий ҳаёт даҳлсизлиги ҳуқуқи

ICCPRнинг 17-моддасида «[ҳеч кимнинг] шахсий ҳаёти, оиласи, уй-жой даҳлсизлиги ёки ёзишмалари даҳлсизлигига ўзбошимчалик билан ёки қонунга хилоф равишда даҳл қилиниши, шаъни ва обрўсига ноқонуний тажовуз қилиниши мумкин эмас. Ҳар бир инсон бундай аралашув ёки тажовуздан қонун ҳимоясига эгадир» дейилади.

16-сонли Умумий изоҳда HRC расмийлар «фақат шахснинг шундай шахсий ҳаётига оид маълумотларни сўраши мумкинки, бу маълумот Пактга мувофиқ тушунилишича, жамоат манфаатлари учун зарур бўлиши керак» (17-банд). HRC, шунингдек, давлатлар – одамнинг шаъни ёки обрўсига ҳар қандай ноқонуний ҳужумлардан самарали ҳимоя қилиш имкониятини таъминлаши кераклигини қайд қилди (11-банд).

ICCPR нинг 17-моддасида назарда тутилган шахсий даҳлсизлик ҳуқуқи, шунингдек, «жисмоний даҳлсизликни ҳурмат қилиш мажбуриятларини, шу жумладан ОИВ тестини ўтказиш учун асосли розилик олиш мажбуриятини ва маълумотларнинг маҳфийлигини, шу жумладан шахснинг ОИВ-мақоми билан боғлиқ барча маълумотларнинг маҳфийлигини сақлаш зарурлигини ўз ичига олади».<sup>41</sup> ОИВ/ОИТС бўйича 2006 йилги Сиёсий декларацияда ОИВни текшириш ва даволаш имкониятларини кенгайтириш, маҳфийликни тўлиқ ҳимоя қилиш ва хабардор розилик билан амалга оширилиши кераклиги таъкидланади.

## Ўзбекистон ҳукуматига тавсиялар

- Жиноят кодексининг 120-моддасини тўлиқ бекор қилиш масаласи кўриб чиқилаётганда, имкон қадар тезроқ эркаклар ўртасида ўзаро келишув асосидаги жинсий алоқани декриминаллаштириш ёки де-юре мораторий жорий этиш.
- Жиноят кодексининг 120-моддаси билан судланган барча шахсларни тез ва сўзсиз озод қилиш ва реабилитация қилиш.
- Давлат органлари томонидан жинсий озчиликларга нисбатан ўзбошимчалик билан ҳибсга олиш, қийноқлар ва бошқа шафқатсиз муносабатда бўлиш ҳамда товламачилик, шунингдек, нодавлат субъектлар томонидан сунистеъмоллик ҳолатлари тўғрисидаги даъво ва шикоятларни самарали текширишнинг маҳсус механизмини яратиш; шикоят қилган ёки маълумот берган шахсларнинг шикоятлари келиб тушган заҳоти уларни таъқиблардан ҳимоя қилишни таъминлайдиган тартибларни жорий этиш; тезкор, ҳар томонлама, холис ва мустақил тергов ўтказилишини ҳамда айборликда гумон қилинган шахсларнинг адолатли суд жараёнида жавобгарликка тортилишини таъминлаш.
- Анал текширувларни бекор қилиш ва улар гомосексуал хатти-ҳаракатларнинг далили сифатида судга киритилмаслигини таъминлаш.
- Дискриминацияга қарши кенг қамровли қонун ҳужжатларини қабул қилиш, хусусан, камситишнинг тақиқланган асослари сифатида жинсий ориентация ва гендер идентификацияни ўз ичига олган ҳолда.

41 ОИВ/ОИТС ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро кўрсатмалар, 119-банд: <https://www.ohchr.org/documents/publications/hivaidsguidelinesen.pdf>

- Ўзбекистон бўйлаб ОИВ марказлари ўз мижозларининг жинсий ориентацияси, гендер идентификацияси ва соғлиғи ҳақидаги маълумотларга қатъий конфиденциал муносабатда бўлишини ва мижозлар ҳақидаги маълумотларни ҳуқуқ-тартибот идоралари билан бўлишишни қатъий тақиқлашини таъминлайдиган қонунчиликни жорий этиш.
- Гомофоб ахборот каналлари орқали гей, бисексуал эркаклар ва трансгендер одамларнинг шахсий маълумотларини ошкор қилиш ва тарқатиш ҳақидаги даъволарни текшириш ва айборларни жавобгарликка тортиш.
- Ижтимоий тармоқларда ва бошқа оммавий ва ярим оммавий ахборот каналларида ЛГБТ маҳбусларининг шахсий дахлсизлиги ҳуқуқини бузувчи ёзувларни тайёрлаган ва тарқатган ички ишлар ходимларига нисбатан очиқ интизомий ёки керак бўлганда жиноий процессуал чоралар кўриш.
- Блоггер Миразиз Базаровга нисбатан қўйилган барча эркинлик чекловлари зудлик билан ва сўзсиз бекор қилинсин ва унга қўйилган барча айловлар олиб ташлансин.
- Сўз эркинлиги, шу жумладан жинсий ориентация, гендер идентификация ва жинсий озвиликларга таъсир қилувчи инсон ҳуқуқларининг бузилиши ҳақидаги фикрларни тинч йўл билан ифодалаш ҳуқуқини ҳимоя қилиш.
- Жинсий озвиликларнинг инсон ҳуқуқлари ҳақида жамоатчилик хабардорлигини ошириш ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларининг ажralmas қисми эканлигини очиқ эълон қилиш.